

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

45-сон
(1221)
2025 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

677. ««Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 3 ноябрдаги ЎРҚ–1093-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

678. «Америка Қўшма Штатлари фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига киришда визасиз режимни белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–203-сон Фармони

679. ««Рақамли прокуратура — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–204-сон Фармони

680. «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш ва тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–206-сон Фармони
681. «Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–207-сон Фармони
682. ««Келажак мероси» халқаро мукофотини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПҚ–330-сон қарори
683. «2026 — 2030 йилларда кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПҚ–331-сон қарори

Учинчи бўлим

684. «Умумий ўрта таълим муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари ва «Жасорат мактаблари» фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 3 ноябрдаги 688-сон қарори
685. «Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 ноябрдаги 694-сон қарори

Бешинчи бўлим

686. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 14-oktabrdagi 25/6-son “Banklar tomonidan qimmatbaho metallar bilan operatsiyalarni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 3-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3698*)
687. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2025-yil 23-oktabrdagi 01/11-14/44-son “O‘zbekiston Respublikasi Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (1-son RXMS) “Rieltorlik xizmatlari sifatini nazorat qilishning ichki qoidalariga qo‘yiladigan umumiy talablar”ni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 3-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2244-2*)

688. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 13-oktabrdagi 296-son "Dastlabki, davriy va to'liq bo'lmagan bojxona yuk deklaratsiyalarini rasmiylashtirish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 3-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3296-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ****677 «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
15 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 4 сентябрда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ноширлик фаолияти соҳасини такомиллаштиришга, сифатли адабиётларни чоп этишни қўллаб-қувватлашга, китобхонлик маданиятини оммалаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур чора-тадбирларни тизимли давом эттириш мақсадида ушбу Қонун билан «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига нашриёт бош муҳаррирининг ҳуқуқий мақомини белгилашга, китобхонлик маданиятини рағбатлантиришга қаратилган қўшимчалар ва ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун ноширлик маҳсулотларининг қонунчиликка мувофиқ сифатли чоп этилишига ҳамда жамиятда китобхонлик маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 26 ноябрда қабул қилинган «**Ноширлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–731-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 11, 1063-модда; 2022 йил, № 11, 1061-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

- 1) **6-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси** «китобхонликни рағбатлантириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 2) қуйидаги мазмундаги **15¹-модда** билан тўлдирилсин:

«15¹-модда. Бош муҳаррир

Бош муҳаррир нашриёт таҳририятининг ижодий фаолиятига раҳбарлик қиладиган, нашриётнинг мавзу режалари ишлаб чиқилиши ҳамда нашрларнинг қонунчилик талабларига, ноширлик фаолияти соҳасидаги техник рег-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

ламентлар (миллий стандартлар) талабларига мувофиқ тайёрланиши учун масъул бўлган шахсдир.

Бош муҳаррир лавозимига олий маълумотга ва ноширлик фаолиятида камида уч йил иш стажига эга бўлган шахс тайинланади. Бош муҳаррир ташкилотнинг муассиси (муассислари) ёки раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Нашриёт нашрларини чиқариш тўғрисидаги қарор бош муҳаррир томонидан қабул қилинади.

Бош муҳаррир нашриётнинг ижодий фаолияти учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

Бош муҳаррир нашрларнинг мавзу йўналишларидан келиб чиқиб, тегишли экспертлар ва олимларнинг ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг тақризларини мустақил равишда олишга ёки муаллифдан (муаллифлардан) уларнинг тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли»;

3) **24-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «муаллифнинг» деган сўз «бош муҳаррирнинг ва муаллифнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 ноябрь,
ЎРҚ–1093-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****678 Америка Қўшма Штатлари фуқаролари учун Ўзбекистон
Республикасига киришда визасиз режимни белгилаш
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларида давлатлараро муносабатларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида **қарор қиламан:**

1. 2026 йил 1 январдан бошлаб Америка Қўшма Штатлари фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан бошлаб 30 кунгача муддатга визасиз режим белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4861-сон Фармони 5-бандининг иккинчи хатбошисидан «ХХР (туристик гуруҳлар таркибида), АҚШ ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги «Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг кириши тартибини оптималлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3836-сон қарорига 2-илованинг 79-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 ноябрь,
ПФ–203-сон

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 3 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

679 «Рақамли прокуратура — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, коррупция иллатига барҳам бериш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш фаолиятини рақамлаштириш ишларини янада кенгайтириш ҳамда рақамли назорат тизимини жорий этиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Қўйидагилар прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) 2030 йилга қадар илғор халқаро тажриба асосида прокуратура органлари фаолиятининг барча йўналишларини автоматлаштириш ҳамда шаффофлиги ва тезкорлиги даражасини кескин ошириш;

(б) прокуратура ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида маълумотлар алмашинуви сифати ва тезкорлигини ошириш;

(в) тергов ва прокурор назорати жараёнларини электрон шаклга ўтказиш.

II. Устувор йўналишлар ва асосий вазифалар

2. Қўйидагилар прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

(а) прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилишини назорат қилиш соҳасидаги фаолиятига ахборот тизимлари ва сунъий интеллект технологияларини босқичма-босқич кенг жорий этиш;

(б) давлат органлари ва ташкилотлар билан электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда иш жараёнларини рақамлаштириш бўйича ахборот тизимларини ва бошқа зарур дастурий таъминотни яратиш;

(в) жиноят ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклга ўтказиш, жиноят ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар келиб тушганидан жазони ижро этишгача бўлган жараёнларни қамраб оладиган янги ахборот тизимини яратиш, уни терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органлар фаолиятига жорий этиш ҳамда тегишли давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш;

(г) прокуратура органларининг ахборот тизимларининг бошқа ташкилотлар ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминловчи Ягона идоралараро интеграциялашув платформасини яратиш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

(д) судларда ишлар кўрилишида прокурорларнинг видеоконференцалоқа орқали масофадан иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;

(ж) прокуратура органларини ахборот технологиялари соҳасидаги билимларни чуқур ўзлаштирган ҳуқуқшунос кадрлар билан таъминлаб, ходимларнинг ушбу йўналишда малакасини ошириб бориш.

3. Қўйидагилар рақамлаштириш соҳасида прокуратура органларининг асосий вазифалари сифатида белгилансин:

(а) ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, ахборот тизимлари ва ресурсларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни кучайтириш;

(б) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда қонун бузилиши ҳолатларини, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир этилаётган коррупциявий ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

(в) замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш, ахборот тизимлари, телекоммуникация инфратузилмалари ва тармоқларини модернизация қилишга доир вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

(г) терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан самарали рақамли назоратни олиб бориш;

(д) суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини босқичма-босқич рақамлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тергов сифатини ошириб бориш;

(ж) жиноятларни самарали тергов қилиш ва уларга қарши курашишда замон талабларига жавоб берадиган янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

4. Қўйидагилар:

(а) «Рақамли прокуратура — 2030» стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

(б) «Рақамли прокуратура — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

III. Рақамли технологиялар орқали коррупция омилларини аниқлаш ва бартараф этиш

5. Белгилансинки, прокуратура органларининг қонунлар ижро этилиши устидан назорат қилиш фаолияти йўналишида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш, идоралараро рақамли ҳамкорлик механизмларини жорий этиш, тизимли таҳлил асосида коррупция омилларини аниқлаш ҳамда уларни самарали бартараф этиш мақсадида:

(а) республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат муассасалари ва корхоналари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида)

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларининг (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) ахборот тизимлари ҳамда ахборот ресурсларини лойиҳалаштириш, яратиш ва модернизациялаш бўйича ишлаб чиқиладиган техник топшириқ ва талабларда ушбу ахборот тизимлари ҳамда ахборот ресурсларида реал вақт режимида мониторинг қилиш имкониятини берувчи «рақамли назорат» функциясини жорий этиш назарда тутилади.

Бунда «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси Бош прокуратура билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини лойиҳалаштириш, яратиш ва модернизациялаш бўйича ишлаб чиқилган техник топшириқларни «рақамли назорат» функцияси мавжудлиги бўйича экспертизадан ўтказди;

(б) 2026 йил 1 октябрга қадар давлат органлари ва ташкилотларининг мавжуд ахборот тизимлари ва ресурсларида «рақамли назорат» функцияси уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жорий этилади ва Бош прокуратурага тақдим этилади;

(в) қуйидаги давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурслари босқичма-босқич Бош прокуратуранинг ахборот тизимлари билан мажбурий тарзда тўғридан-тўғри («Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси иштирокисиз) интеграция қилинади ҳамда улардаги маълумот ва ҳужжатлардан фойдаланиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади:

(i) 2026 йил 1 декабрга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги;

(ii) 2030 йил 1 ноябрга қадар бошқа давлат органлари ва ташкилотлари.

6. Бош прокуратура прокурор назорати функцияларини электрон шаклга ўтказиш борасидаги вазифалардан келиб чиқиб уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига прокуратура органларининг давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот инфратузилмаси объектлари, ахборот тизимлари, ахборот ресурслари, маълумотлар банки, маълумотлар базасига монеликсиз кириш, улардаги электрон маълумот, ҳужжат ва материалларни кўриш, мониторинг қилиш, ўрганиш учун электрон ҳужжатлар ҳамда маълумотларни олиш ҳуқуқини белгилашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

7. Бош прокуратура қуйидаги имкониятларга эга «Raқamli ppoкuroг» ахборот тизимлари комплексини прокуратура органлари фаолиятига жорий этсин:

(а) давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини масофавий назорат қилиш;

(б) давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларидаги ҳужжат-

лар ва уларнинг метамаълумотларини онлайн олиш, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганиш;

(в) фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича суд жараёнида прокурорларнинг масофадан иштирок этишини таъминлаш;

(г) экстрадиция ҳужжатлари юзасидан электрон назорат ишини юритиш, ҳуқуқий шартномалар ҳисобини электрон юритиш, халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида келиб тушган ва юборилган сўровлар ҳисобини олиб бориш;

(д) ходимларни хизматга қабул қилиш, уларнинг меҳнат фаолияти бўйича ҳужжатлар ва маълумотларни электрон шаклда юритиш;

(ж) прокуратура органлари идоравий ҳужжатлари, шу жумладан, иш режалари ҳисобини юритиш, уларнинг ижроси бўйича маълумотларни тўплаш, прокуратура органлари фаолиятини таҳлил қилиш ва режалаштириш, тегишли маълумотларни тизимлаштириш;

(з) прокуратура органлари фаолияти бўйича эълон қилинган (нашр этилган) ахборот материалларини ва ўтказилган матбуот тадбирлари бўйича маълумотларни тўплаш, прокуратура органлари аралашувини талаб қиладиган оммавий ахборот воситаларининг хабарлари ҳисобини электрон шаклда юритиш;

(и) ходимлар ўртасида ижобий тажриба ва ишлашнинг янги методлари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш;

(к) прокуратура органларининг моддий ашёлари бўйича ҳужжатлар ва маълумотларни электрон шаклда юритиш.

8. Бош прокуратура Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда назорат қилувчи органлар фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ҳамда улар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектларини ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг молиявий ҳолатини текшириш билан боғлиқ бўлмаган барча турдаги назорат тадбирларида қонунларга қатъий риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш мақсадида 2026 йил 1 майга қадар «Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri» ахборот тизимининг синов версиясини ишлаб чиқсин ҳамда 2026 йил 1 декабрдан унинг тўлиқ версиясини ишга туширсин.

Бунда Бош прокуратура Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда 2026 йил 1 июнга қадар «Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri» ахборот тизими «Ягона давлат назорати» ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

9. «Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri» ахборот тизимининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган тегишли назорат тадбирларининг (текшириш, мониторинг, масофавий ўрганишлар ва бошқалар) марказлашган ягона ҳисобини юритиш;

(б) прокуратура органларига назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган тегишли назорат тадбирлари материаллари билан тўлиқ танишиш, назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тек-

ширувлар ўтказиш тартибига риоя этилаётганлиги устидан назоратни амалга ошириш имкониятини яратиш;

(в) назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган назорат тадбирларининг бошланишидан якунланишигача бўлган барча жараёнларга оид ҳужжатларни (буйруқ, далолатнома, таъсир чораси ва бошқалар) ягона базада шакллантириш.

10. Белгилансинки:

(а) назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган тадбиркорлик субъектларини ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг молиявий ҳолатини текшириш билан боғлиқ бўлмаган барча турдаги назорат тадбирларига оид барча ҳужжатларни «Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri» ахборот тизимига киритиш мажбурий ҳисобланади;

(б) «Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri» ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш назорат қилувчи органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) Бош прокуратура «Raқamli prokuror» ахборот тизимлари комплексига вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан келиб тушган конфиденциал ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланишни қатъий чегаралашга ҳамда уларнинг хавфсизлиги таъминланишига масъул ҳисобланади;

(б) Бош прокуратура Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мунтазам равишда «рақамли назорат» амалга оширилиши механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан, рақамлаштирилмаган соҳаларга ахборот технологияларини жорий этиш, давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд ахборот тизимларини такомиллаштириш ҳамда уларда метамаълумотлар юритилишини таъминлаш бўйича белгиланган тартибда таклиф киритиб боради.

IV. Идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш

12. Бош прокуратура ҳамда вазирлик ва идоралар (кейинги ўринларда — ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар) ўртасидаги идоралараро электрон ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) ҳамкорлик қилувчи ташкилотлардан маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш мақсадида Бош прокуратуранинг «E-integratsiya» ягона интеграциялашув платформаси ишга туширилади ҳамда ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва ресурслари билан тўғридан-тўғри («Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси иштирокисиз) интеграция қилинади;

(б) ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ўз ахборот тизимларини ҳар қандай такомиллаштириши, агар бу такомиллаштириш идоралараро электрон ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг (келишувлар, технологик йўриқнома) ўзгаришига олиб келса, Бош прокуратура билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

V. Тергов фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш орқали тергов сифатини ошириш

13. Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг «E-tergov» ахборот тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) жиноят иши юритувининг барча босқичларини электрон шаклга ўтказиш;

(б) терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни рақамлаштириш;

(в) процессуал ҳаракатларни қайд этиб бориш, мажбурлов чораларини қўллаш учун прокурордан ёки прокурорнинг розилиги билан суддан санкция олишда ҳужжат айланмасини электрон шаклга ўтказиш;

(г) жиноят ишларини малакалашда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали айрим тергов жараёнларини таҳлил қилиш ва тавсиялар бериш;

(д) статистик маълумотлар ўртасида тафовутлар юзага келишининг олдини олиш;

(ж) суриштирув ва дастлабки тергов органлари, прокуратура органлари, судлар ва жазони ижро этиш муассасалари билан ахборот алмашинувини таъминлаш;

(з) суд экспертизасини онлайн режимда тайинлаш;

(и) ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг олдини олиш мақсадида барча электрон ҳужжатларни ҳимоя қилиш ва ҳаққонийлигини текшириш;

(к) моддий зарарни ҳисобга олиш ва ундириш жараёнларини мониторинг қилиш.

14. Белгилаб қўйилсинки:

(а) «E-tergov» ва «Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri» ахборот тизимлари, «Raқamli prokuror» ахборот тизимлари комплекси, «E-integratsiya» ягона интеграциялашув платформасининг (кейинги ўринларда — электрон ахборот тизимлари) дастурий таъминоти Бош прокуратуранинг Маълумотларни қайта ишлаш маркази серверларида сақланади;

(б) электрон ахборот тизимларининг бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялашуви, уларнинг узлуксиз ишлаши, ахборот хавфсизлиги таъминланиши учун Бош прокуратура масъул ҳисобланади;

(в) электрон ахборот тизимларида давлат сирлари билан боғлиқ бўлган маълумотларни қайта ишлаш, узатиш, қабул қилиш ва сақлашга йўл қўйилмайди.

VI. Ташкилий ва молиявий таъминот

15. Ушбу Фармон ва Стратегияда белгиланган вазифаларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Бош прокуратуранинг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси негизида Бош прокурату-

ранинг Рақамли технологиялар маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилади.

16. Белгилаб қўйилсинки, ахборот-коммуникация технологиялари соҳа-сидаги қонунчилик ижроси устидан назоратнинг самарали амалга оширили-шини таъминлаш учун Марказ таркибида Давлат бюджети маблағлари ҳисо-бидан молиялаштириладиган қўшимча ажратиладиган 5 та штат бирлигидан иборат бўлган Рақамли назоратга қўмаклашиш бўлими ташкил этилади.

17. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) прокуратура органларида рақамли технологияларни жорий этиш соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

(б) прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш, инсон омилини камайтириш, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминловчи ме-ханизмларни жорий этиш;

(в) прокуратура органлари эҳтиёжлари учун ахборот тизимлари ва ре-сурслари, сунъий интеллект технологиялари, маълумотлар базалари ва дас-турий комплексларни ишлаб чиқиш, жорий этиш, кузатиш, бошқариш ва ривожлантириш;

(г) прокуратура органларининг ахборот тизимларини бошқа давлат ор-ганлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш;

(д) прокуратура органларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда ахборот инфратузилмасини бошқариш ва ривожлантириш;

(ж) прокуратура органларида ахборот-коммуникация технологиялари жо-рий этилиши ва ахборот хавфсизлиги таъминланганлиги ҳолатини таҳлил қилиш ва тегишли таклифларни мунтазам равишда ишлаб чиқиш;

(з) давлат органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёнларида ҳамда ахборот тизимлари ва ресурсларини юритишда прокурор назоратини амалга оширишга қўмаклашиш.

18. Белгилаб қўйилсинки:

(а) Марказ Бош прокуратуранинг мустақил бошқармаси ҳуқуқи билан юридик шахс мақомисиз ташкил этилади ва Бош прокуратуранинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади;

(б) Марказ Бош прокурор томонидан лавозимга тайинланадиган ва ла-возимдан озод этиладиган, мақоми бўйича Бош прокуратура бошқарма бош-лиғига тенглаштириладиган бошлиқ томонидан бошқарилади. Марказ бош-лиғи хизмат автотранспорт воситаси билан таъминланади;

(в) Марказ ходимлари Бош прокуратуранинг тегишли таркибий бўлин-малари прокурорлари, катта прокурорлари ва бошлиқлари ўринбосарлари мақомига эга бўлади;

(г) Марказ ходимларига ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда прокуратура органлари ходимлари учун назарда тутилган барча имтиёзлар, даражали унвонлар, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя чоралари татбиқ этилади.

19. Марказнинг штатлар жадвали 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

20. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идораларига Бош

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

прокуратура билан ахборот тизимлари, ресурслари ва дастурий маҳсулотларни яратиш, такомиллаштириш ва техник кузатувга оид хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш, товарлар ва маҳсулотлар етказиб бериш) бўйича тендер (танлов) савдолари ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқи берилсин.

21. Белгилаб қўйилсинки, Марказ томонидан бажарилган ишлар учун шартномага мувофиқ ўтказилган маблағлар Бош прокуратурани ривожлантириш жамғармасида жамланади ва қўйидаги мақсадларда сарфланади:

(а) прокуратура органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларини моддий рағбатлантириш;

(б) прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

(в) бошқа мутахассисларни (дастурчилар, компьютер тизимлари ва тармоқлари хавфсизлиги ва автоматлаштирилган тизимларда маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар, компьютер муҳандислари, веб-дизайнерлар ва бошқалар) шартномавий-ҳуқуқий асосда жалб этиш;

(г) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларга йўналтириш.

VII. Рақамли технологиялар соҳасида кадрларни тайёрлаш

22. Бош прокуратура, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ҳар йилги қабул параметрлари (квоталари) доирасида кундузги таълим шаклида ўқиш муддати тўрт йилни ташкил этадиган «Киберҳуқуқ» бакалавриат таълим йўналишини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

23. Белгилансинки, «Киберҳуқуқ» таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси учун ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

VIII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Бош прокуратура манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

26. Мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т. Йўлдошев белгилансин.

27. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Жамоат хавфсизлиги ва қонун

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

устуворлиги бўйича департаментининг бошлиғи Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 ноябрь,
ПФ–204-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги
ПФ–204-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**«Рақамли прокуратура — 2030»
СТРАТЕГИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

Мамлакатимизда ҳаётнинг барча жабҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, фуқаролар учун қўшимча қулайликларни яратиш, давлат органлари фаолиятида тезкорлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2019 — 2024 йиллар давомида прокуратура органларида ИТ-инфратузилма шакллантирилди, замонавий Маълумотларни қайта ишлаш маркази яратилди, хавфсиз корпоратив тармоқ ташкил этилди, IP-телефония, аудио-видеоконференцалоқа, «Электрон ҳужжат айланиши» тизимлари жорий этилиб, вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан 114 та турдаги веб-сервислар яратилди.

Жорий этилган ахборот тизимлари ва ресурслари прокуратура органларида анъанавий иш жараёнларини қисқартириш, тезкорлик ва унумдорликни ошириш, инсон омилини камайтиришга хизмат қилиб келмоқда.

Шу билан бирга, прокуратура органларида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳолати бугунги долзарб ва истиқболли вазифаларни лозим даражада ҳал қилиш имконини бермайди, шу боис, прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш долзарб масалага айланмоқда.

Шу муносабат билан ҳамда прокуратура органларида тезкорлик ва шаффофликни таъминлаш, фаолиятни ҳар томонлама мақбуллаштириш ва тўлиқ рақамлаштириш, шунингдек, илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни жадаллаштириш мақсадида прокуратура органларини 2030 йилга қадар рақамли трансформация қилиш бўйича «Рақамли прокуратура — 2030» стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) ишлаб чиқилди.

Стратегия Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларини рақамли трансформация қилишнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари,

истикболли вазифалари, амалга ошириш механизмлари ҳамда кутилаётган натижаларни белгилайди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш пировард натижада қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг прокуратура органларига ишончини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2-боб. Стратегиянинг асосий мақсади ва вазифалари

Стратегиянинг асосий мақсади — прокуратура органларини рақамли трансформация қилиш соҳасидаги ягона сиёсатни шакллантиришдир.

Қуйидагилар прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

дунёнинг етакчи давлатлари тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, прокуратура органлари фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлар ҳамда прокуратура органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни рақамлаштириш учун қулай шароитлар яратиш;

тартиб-таомилларни электрон шаклга ўтказиш ва ортиқча босқичларни чиқариб ташлаш орқали иш жараёнларини мақбуллаштириш ҳамда рақамлаштириш;

ахборот тизимларига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш; назорат қилиш объектлари фаолиятини рақамлаштириш орқали прокуратура органларининг назорат функцияларини такомиллаштириш;

терговга қадар текширув ва тергов жараёнлари устидан прокурор назоратини олиб боришни электрон шаклга ўтказиш;

Бош прокуратура таркибида рақамли криминалистика бўйича суд экспертлар ва тадқиқотлари ўтказилишини амалга оширувчи махсус бўлимини ташкил этиш;

ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш орқали давлат органлари ва ташкилотлардан зарур маълумотларни тезкорлик билан олишни йўлга қўйиш;

судлар ва прокуратура органлари ўртасида электрон ҳамкорликни янада ривожлантириш, шу жумладан, судларда ишлар кўриб чиқилишида прокурорлар учун масофадан иштирок этиш имкониятини яратиш;

ахборот инфратузилмасининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, унинг ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш;

прокуратура органлари ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакасини ошириб бориш;

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг сунъий интеллектни ривожлантириш, киберҳуқуқ ва кибержиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш.

3-боб. Стратегиянинг устувор йўналишлари

Стратегия доирасида қуйидагилар прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилишини назорат қилиш соҳасидаги фаолиятига ахборот тизимлари ва сунъий интеллект технологияларини босқичма-босқич кенг жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлар билан электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда иш жараёнларини рақамлаштириш бўйича ахборот тизимларини ва бошқа зарур дастурий таъминотни яратиш;

иш жараёнларини электрон шаклга ўтказишда тартиб-таомилларни қайта қўриб чиқиш ва рақамлаштириш, ортиқча босқичларни чиқариб ташлаш, шунингдек, иш жараёнларини рақамлаштиришга қаратилган ахборот тизимлари комплексларини кенг жорий этиш;

жиноят ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклга ўтказиш, жиноят ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар келиб тушганидан жазони ижро этишгача бўлган жараёнларни қамраб оладиган янги ахборот тизимини яратиш, уни терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг фаолиятига жорий этиш;

прокуратура органлари ахборот тизимларининг бошқа ташкилотлар ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминловчи Ягона идоралараро интеграциялашув платформасини яратиш;

судларда ишлар қўрилишида прокурорларнинг видеоконференцалоқа орқали масофадан иштирок этиш имкониятларини кенг жорий этиш;

ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, ахборот инфратузилмаси ишончилигини таъминлаш, маълумотлар базаларини захиралаш, маълумотларни қайта ишлаш марказларини ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ мунтазам равишда ахборот тизимлари киберхавфсизлигини таъминлаш;

прокуратура органларини ахборот технологиялари соҳасидаги билимларни чуқур ўзлаштирган ҳуқуқшунос кадрлар билан таъминлаб бориш, ходимларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакасини ошириб бориш.

4-боб. Стратегияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар

Мазкур Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда «E-tergov» ва «Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri» ахборот тизимлари, «Raqqamli prokuror» ахборот тизимлари комплекси ҳамда «E-integrasiya» ягона интеграциялашув платформаси жорий этилади.

4.1. Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ҳамда Миллий гвардияда «E-tergov» ахборот тизими ишга туширилади.

Мазкур ахборот тизими — терговга қадар текширув ва тергов жараёнлари ўтказилиши устидан идоравий ва прокурор назорати электрон шаклда юритилишини таъминлайди ва у қуйидаги жараёнларни рақамлаштиришга имкон беради:

жиноятларга оид ариза, хабар, маълумотларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш;

терговга қадар текширувни ўтказиш ва материалларни юритиш;

жиноят иши қўзғатилганлиги ёки қўзғатиш рад этилганлиги бўйича маълумотларни юритиш, шу жумладан, жиноят ишлари ҳамда терговга қадар текширув материалларига тартиб рақамларини бериш;

визуализация ва видеоконференцалоқа технологиялари ҳамда электрон планшетлар қўлланган ҳолда терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатларига оид ҳужжатларни юритиш, шу жумладан, ҳодиса жойини кўздан кечириш, тергов эксперименти, юзлаштиришлар давомида тушунтиришлар олиш ва баённомалар тузиш;

суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида жиноят ишини юритиш, шу жумладан, процессуал ҳаракатларни қайд этиб бориш, процессуал ҳужжатларнинг шаклларини жорий этиш, ҳужжатларни электрон рақамли имзо калитлари ва электрон қалам (стилус) орқали имзолаш, жиноят ишига оид ҳужжатлар ва материалларни сақлаш;

суриштирув ва дастлабки тергов органлари, прокуратура органлари, судлар ва жазони ижро этиш муассасалари ўртасида ўзаро ахборот алмашиш;

гумон қилинувчи ва айбланувчиларни видеоконференцалоқа воситалари орқали масофадан сўроқ қилиш;

ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш, жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тезкорлик билан олиш, гумон қилинувчи ва айбланувчининг мол-мулкани хатлаш, қидирув эълон қилинган айбланувчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чеклов чораларини кўриш ва бекор қилиш;

сунъий интеллект технологияларини қўллаган ҳолда терговчилар ва суриштирувчиларга жиноятларни малакалаш бўйича маслаҳат ва тавсиялар бериш;

ҳуқуқни чеклайдиган процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жумладан шахсни ушлаб туриш ҳолатлари ҳисобини юритиш;

қонунийликнинг аҳволи ҳамда жиноятчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни қайта ишлаш ва уларни геоахборот харитада визуализация қилиш;

экспертиза ташкилотлари билан ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилган ҳолда далиллар ҳақида маълумотларни сақлаш;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумлар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар тўғрисида маълумотлар базасини юритиш;

жиноят иши бўйича айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузиш;

терговга қадар текширув ва тергов жараёнлари ўтказилиши устидан сунъий интеллект ёрдамида идоравий ва прокурор назоратини ўрнатиш;

тергов қилинган жиноят ишлари бўйича жиноятларнинг олдини олиш юзасидан кўрилган чоралар (тақдимнома) ҳисобини юритиш;

прокурор томонидан ўз ваколатлари доирасида тегишли процессуал ҳаракатларга санкция бериш;

прокурор томонидан терговга қадар текширув материаллари, жиноят иши ҳужжатлари ва материалларини ўрганиб чиқиш, айблов хулосасини, айблов далолатномасини тасдиқлаш, жиноят ишини судга юбориш;

илтимоснома, шикоят ва протестларни кўриб чиқиш ҳолатини онлайн режимда кузатиб бориш;

судларда жиноят ишини кўриб чиқиш натижаларини юритиш;

суд қарорлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш;

жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга қўлланиладиган интизомий жазолар ҳисобини юритиш;

жиноят ишларини юритиш имкониятларини фойдаланувчилар ваколатига кўра қатъий чегаралаш.

Сунъий интеллектни тўлиқ жорий этиш учун уни ўргатишга мўлжалланган ҳужжатлар ўқиладиган рақамли шаклда, ҳужжатларнинг тавсиф берувчи маълумотлари (реквизитлар) эса етарли ҳажмда бўлиши лозим.

Тизимга жазони ижро этувчи муассасалар томонидан маҳкумлар бўйича маълумотлар, шу жумладан, жазони ижро этувчи муассаса манзили, маҳкумнинг меҳнатга жалб қилинганлиги, унга нисбатан қўлланилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари, амнистия ва афв этиш актлари, жазодан озод қилиш билан боғлиқ ҳужжатлар киритилади.

«E-tergov» ахборот тизими жорий этилиши натижасида:

жиноят процессининг шаффофлиги таъминланади;

процессуал қонунчиликка қатъий риоя қилиниши таъминланади;

жиноят ишларига оид ҳужжатларни қалбакилаштириш ва йўқотиш хавфининг олди олинади;

жиноят ишини юритиш билан боғлиқ жараёнларга сарфланадиган вақт тежалани;

жараён иштирокчилари ўртасидаги ҳужжатлар алмашинуви соддалаштирилади;

идоравий ва прокурор назорати самараси ошади.

4.2. Прокуратура органлари назорат фаолияти самарадорлигини янада яхшилаш мақсадида қуйидаги ахборот тизимларидан иборат бўлган «Raқamli prokuror» ахборот тизимлари комплекси яратилади:

«E-nazorat»;

«E-tahlil»;

«E-matbuot»;

«Судларда прокурор иштироки»;

«E-xalqaro»;

«E-maslahat»;

«E-kadr»;

«Ta'minot».

«E-nazorat» ахборот тизими — республика ва маҳаллий ижро этувчи

ҳокимият органлари, давлат муассасалари ва корхоналари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларида (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) қонунлар ижроси устидан назоратни электрон шаклда амалга оширишни таъминловчи тизим бўлиб, у қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

давлат органлари ва ташкилотларининг буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатларини ва уларнинг метамаълумотларини онлайн олиш;

прокурор назорати тадбирларига (шу жумладан, текширишларга) оид ҳужжатлар ҳамда уларнинг натижаси бўйича қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларини электрон юритиш;

назорат объектларининг ахборот тизимларидаги статистик маълумотларни ҳамда уларнинг фаолиятига доир маълумотларни онлайн режимда олиш.

Назорат объектларининг ахборот тизимларидаги статистик ва бошқа маълумотларни ўрганиш мақсадида улардаги «Шакл-1» ва «Шакл-2» ҳужжатлари, маъмурий амалиёт, молиявий жарима ва ҳуқуқий таъсир чоралари билан боғлиқ иш юритилиши тўлиқ рақамлаштирилади. Ушбу ахборот тизимлари «E-nazorat» ахборот тизими билан интеграция қилинади.

«E-tahlil» ахборот тизими — прокуратура органларида ташкилий-назорат ва таҳлил йўналишида фаолият юритишни таъминловчи тизим бўлиб, у қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

прокуратура органлари идоравий ҳужжатлари, шу жумладан, иш режалари ҳисобини юритиш, уларнинг ижроси бўйича маълумотларни тўплаш;

бўлинмалар фаолияти натижалари бўйича киритилган ҳужжатлар ва маълумотлар ҳисобини юритиш;

прокуратура органлари фаолиятини таҳлил қилиш ва режалаштириш, тегишли маълумотларни тизимлаштириш;

жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишга доир «2-Я» шакл ҳисоботи кўрсаткичларини «E-material» ахборот тизимидан олиш;

суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятига доир «1-Я» шакл ҳисоботи кўрсаткичларини «Электрон жинойий-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизимидан олиш.

«E-matbuot» ахборот тизими — жамоатчилик билан алоқаларни таъминловчи тизим бўлиб, у қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

прокуратура органларида оммавий ахборот воситалари вакилларида сўровномаларни онлайн режимда қабул қилиш ва расмий жавобларни юбориш;

прокуратура органлари фаолияти бўйича эълон қилинган (нашр этилган) ахборот материалларини тўплаш;

ўтказилган матбуот тадбирлари бўйича маълумотларни тўплаш;

прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган ахборотни тақдим этиш бўйича келиб тушган сўровлар ҳисобини юритиш;

прокуратура органлари ҳақида ижтимоий фикр ҳолатини таҳлил қилиш бўйича маълумотларни тўплаш;

прокуратура органлари аралашувини талаб қиладиган оммавий ахборот воситаларининг хабарлари ҳисобини юритиш.

«Судларда прокурор иштироки» ахборот тизими — судларда ишлар кўрилишида прокуратура органлари ходимларининг масофадан иштирок этишини таъминловчи тизим бўлиб, у қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

прокуратура органлари ходимлари масофадан видеоконференцалоқа режимида фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича суд муҳокамалаарида иштирок этишини таъминлаш;

жиноят, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши натижалари бўйича суд қарорларини ҳамда тегишли ҳисоботларни электрон шаклда олиш.

«E-xalqago» ахборот тизими — прокуратура органларида халқаро-ҳуқуқий фаолият йўналиши бўйича тизим бўлиб, у қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

экстрадиция ҳужжатлари бўйича электрон назорат ишларини юритиш;

қидирувдаги шахсларни аниқлаш ва ушлаш ҳолатлари рўйхатини юритиш;

халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида келиб тушган ва юборилган сўровлар ҳисобини юритиш;

хорижий давлатларга ва Ўзбекистонга юборилган жиноят ишлари бўйича маълумотларни тўплаш;

хорижий давлатларда озодликдан маҳрум этилган ва жазони ўташни давом эттириш учун қабул қилиб олинган, шунингдек, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораси қўлланилган ва мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олинган шахслар ҳақида маълумотларни тўплаш;

прокуратура органлари ходимларининг чет эл давлатларига хизмат сарфлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш;

чет эл делегациялари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташрифлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш;

халқаро ва хорижий ташкилотларга юбориладиган маълумотларни тўплаш;

Бош прокуратуранинг ҳуқуқий шартномалари ҳисобини юритиш.

«E-maslahat» онлайн форуми — Интернет тармоғида ишлайдиган онлайн форум бўлиб, у қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

прокуратура органлари ходимлари ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

ижобий тажриба ва ишлашнинг янги методлари бўйича маълумотлар алмашиш.

«E-kadrg» ахборот тизими — фуқароларни прокуратура органларига хизматга қабул қилиш ҳамда прокуратура органлари ходимларининг меҳнат фаолиятини юритиш бўйича тизим бўлиб, у қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотларни шакллантириб бориш;

хизматга қабул қилиш ҳақидаги ариза ва тегишли ҳужжатларни онлайн режимда қабул қилиш, аризаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича электрон шаклда хабардор қилиш;

номзодларни ўрганиш учун зарур маълумотлар онлайн олинишини таъминлаш учун давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш (паспорт маълумотлари, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи, диплом ҳақиқийлиги, судланмаганлиги, туғилганлик, никоҳ тузилганлиги (никоҳ бекор қилинганлиги), ўлим тўғрисидаги маълумотлар).

ходим ва унинг хизмат фаолияти ҳақидаги маълумотларни тизимлаштириш;

ходимларни аттестациядан ўтказиш ва уларга даражали унвонлар бериш муддатлари ҳамда меҳнат таътили давомийлигини автоматик равишда ҳисоблаш;

ходимларнинг малакаси, иш тажрибаси, ёши ва бошқа параметрларга асосан уларни таснифлаш;

иш вақти ҳисоби табелларини электрон шаклда юритиш;

ходимларнинг хорижга чиқишлари ва хизмат сафарларига юборилишини ҳисобга олиш.

«Ta'minot» ахборот тизими — прокуратура органларининг моддий ашёлари ҳисобини юритиш бўйича тизим бўлиб, у қўйидаги имкониятларга эга бўлади:

прокуратура органлари балансидаги биноларга қуёш панеллари ва инверторлар ўрнатилиши ҳисобини юритиш, шунингдек, қуёш панеллари ишлаши, олинадиган энергия ресурсларидан оқилона фойдаланилиши ҳамда тежамкорлигини таҳлил қилиш;

прокуратура органлари хизмат автотранспорт воситаларининг ҳисобини, суғурта ва техник кўриқдан ўтказилганлиги, қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотларни юритиш;

товар-моддий бойликлар тўғрисидаги маълумотларни юритиш.

4.3. Назорат қилувчи органларда «Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri» ахборот тизими жорий этилади.

«Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri» ахборот тизими — назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган барча турдаги назорат тадбирларида қонунларга қатъий риоя этилиши устидан мониторинг олиб боришни таъминловчи тизим бўлиб, у қўйидаги имкониятларга эга бўлади:

назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган барча турдаги назорат тадбирларининг (текшириш, мониторинг, масофавий ўрганишлар ва бошқалар) марказлашган ягона ҳисобини юритиш;

прокуратура органларига назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган назорат тадбирлари материаллари билан тўлиқ танишиш, назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган текширувлар ўтказиш тартибига риоя этилаётганлиги устидан назоратни амалга ошириш имкониятини яратиш;

назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган назорат тадбирларининг бошланишидан яқунланишигача бўлган барча жараёнларга оид ҳужжатларни (буйруқ, далолатнома, таъсир чораси ва бошқалар) ягона базада шакллантириш.

«Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri» ахборот тизимини жорий этиш

назорат тадбирларининг барча босқичларида шаффофлик ва уларни изчил кузатиб бориш имкониятини таъминлайди. Назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текширувлар тўғрисидаги маълумотларни марказлашган тарзда юритиш маълумотларнинг ишончли сақланиши ва ўзгармаслигини таъминлайди, рўйхатдан ўтказилмаган текширувларни бартараф этади, амаллар қонунийлиги устидан прокуратура назоратини содалаштиради ва коррупция хавф-хатарларини камайтиради.

Текширув жараёнларини рақамлаштириш ва ягона тизимдан фойдаланиш назорат қилувчи органлар учун қўйидаги афзалликларни беради:

қоғоз айланмаси ва меҳнат сарфини қисқартириш;

ўхшаш тизимларни такрорий яратишнинг олдини олиш;

таҳлилий фаолият ва идоравий ички назорат самарадорлигини ошириш.

4.4. «E-integrasiya» ягона интеграциялашув платформаси — давлат органлари ва ташкилотлар ахборот тизимларидаги зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминловчи тизим бўлиб, у қўйидаги имкониятларга эга бўлади:

ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш, жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговни, прокурор назоратини масофадан амалга ошириш, муурожаатларни текшириш доирасида зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш;

суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ҳамда прокурорларнинг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари ҳамда бошқа хабарномаларини тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга электрон ҳужжат кўринишида юбориш, шунингдек, жавобларни мазкур тарзда қабул қилиб олиш;

жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш чораларини кўриш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчининг мол-мулкани хатлаш, шунингдек, қидирув эълон қилинган айбланувчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш.

Мазкур ягона интеграциялашув платформаси жорий этилиши билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўз фаолиятида керак бўлаган маълумотларнинг онлайн режимда олиниши таъминланади, қоғоз шаклда сўровларни юбориш ва жавобларни олиш тўхтатилади.

4.5. «E-tergov», «Raқamli prokuror» ва «Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri» дастурларида фойдаланувчиларни аутентификация қилиш ва улар ҳақидаги маълумотлар ҳаққонийлигини таъминлаш ҳамда фойдаланувчилар ҳисобини юритиш мақсадида «Kadrlar siyosati» ахборот тизими яратилади.

4.6. Стратегияда назарда тутилган барча дастурларни Бош прокуратуранинг Маълумотларни қайта ишлаш маркази серверларида ишга тушириш мақсадида Бош прокуратура Маълумотларни қайта ишлаш марказининг серверлари, телекоммуникация қурилмалари, ахборот хавфсизлигини таъмин-

ловчи тизимлари ва бошқа техник воситалари ҳамда муҳандислик инфратузилмаси модернизация қилинади.

5-боб. Кутилаётган натижалар

«Рақамли прокуратура — 2030» стратегиясининг амалга оширилиши прокуратура органлари фаолиятининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига ҳамда уларнинг замонавий, шаффоф ва самарали давлат институтига айланишига хизмат қилади.

Хусусан, Стратегияни амалга ошириш натижасида 2030 йилга қадар қуйидаги мақсадларга эришилади:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланидиган манфаатлари ишончли ҳимоя қилинади ҳамда жамиятда адолат ва қонунийлик принциплари мустаҳкамланади;

прокуратура органларини рақамли трансформация қилиш орқали иш жараёнларининг тезлиги ва самарадорлиги ошади, шунингдек, ҳужжат айланиши ва маълумотлар алмашинуви янада осонлаштирилади;

сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш орқали таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнлари янада енгиллашади;

жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлиги ҳамда терговга қадар текширув ва тергов жараёнлари устидан прокурор назорати сифати оширилади, шунингдек, сунъий интеллект технологиялари ёрдамида жиноятларни малакалаш имконияти яратилади;

прокуратура органлари ва судлар ўртасида ўзаро муносабатлар тўлиқ рақамлаштирилади, прокуратура органлари ходимларининг суд мажлисларида масофадан иштирок этиш имконияти яратилади, судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш сифати яхшиланади;

прокуратура органларининг ташкилий-назорат ва таҳлилот, матбуот хизмати, халқаро-ҳуқуқий алоқалар билан боғлиқ фаолиятлари янада такомиллаштирилади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлиги ҳамда улар томонидан зарур бўлган маълумотларни олиш тезкорлиги ошади;

прокуратура органлари ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малакаси ва касбий маҳорати ошади, улар ўртасида тажриба алмашиш ва ўзаро ҳамкорлик кучаяди;

тизимлар ва маълумотлар ҳимояланиши янада кучайтирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

680 Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш ва тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида*

Давлат ижтимоий суғуртаси тизимини такомиллаштириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали аҳолини оғир ҳаётий вазиятларда моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, расмий бандликни рағбатлантириш ва меҳнат бозори барқарорлигини ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар давлат ижтимоий суғуртаси тизимини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) фуқароларнинг оғир ҳаётий вазиятларда даромадсиз қолишининг олдини олиш ҳамда уларнинг камбағалликка тушиш хавфини минималлаштириш;

(б) аҳолининг давлат ижтимоий суғуртаси тизимидаги иштирокини кенгайтириш ва норасмий бандликни легаллаштириш;

(в) давлат ижтимоий суғуртаси тизимини унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида босқичма-босқич такомиллаштириш;

(г) давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни фуқароларнинг ижтимоий суғурта бўйича қўшган ҳиссасига мутаносиб равишда ҳисоблаш ва тўлаш механизмларини жорий этиш.

II. Давлат ижтимоий суғуртасининг янги тизимини жорий этиш

2. Белгилансинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида давлат ижтимоий суғуртасининг янги тизими жорий этилади. Бунда:

(а) фуқаролар давлат ижтимоий суғуртаси билан қуйидаги шартларда камраб олинади:

(i) мажбурий асосларда — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан миқдори (ставкаси) белгиланадиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг бир қисми ҳисобидан;

(ii) ихтиёрий асосларда — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 фоизи миқдоридаги ҳар ойлик суғурта бадалининг энг кам миқдорини тўлаш эвазига;

(б) фуқароларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар уларнинг минимал суғурта стажи ва тўлаган суғурта бадалига мутаносиб равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги)

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) орқали тўланади;

(в) суғурталанган шахслар, уларнинг суғурта стажи ва бадаллари ҳисобини юритиш, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш ва тўлаш жараёнлари «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлар асосида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ахборот тизимида амалга оширилади;

(г) Жамғарма орқали:

(i) проактив шаклда:

2026 йил 1 январдан бошлаб ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси;

2026 йил 1 июлдан бошлаб вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси;

(ii) фуқароларнинг мурожаатлари асосида 2030 йил 1 январдан бошлаб ишдан бўшатиш нафақаси тайинланади ва тўланади;

(д) 2026 йил 1 январга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали, ягона ижтимоий тўлов ва ижтимоий солиқ тўланган даврлар давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни ҳисоблашда суғурта стажи сифатида инобатга олинади.

III. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш

3. Белгилансинки:

(а) Жамғарма давлат мақсадли жамғармаси сифатида давлат муассасаси шаклида ташкил этилади;

(б) Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси унинг ижро органи ҳисобланади. Бунда:

(i) Ижро этувчи дирекция фаолиятини ташкил этиш учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизим ташкилотларининг бошқарув штат бирликлари ҳисобидан 33 та штат бирлиги ажратилади;

(ii) Ижро этувчи дирекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги марказий аппаратининг ходимлари учун белгиланган разрядлардан бир поғона паст миқдорда қўлланади. Бунда Ижро этувчи дирекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг бошқа шартлари бўйича Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги марказий аппарати ходимлари учун белгиланган шартлар татбиқ этилади;

(iii) Ижро этувчи дирекция фаолияти Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш

4. Мазкур Фармонга мувофиқ давлат ижтимоий суғуртаси тизими бўйича тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга оширишда қуйидагилар масъул ва жавобгар ҳисобланади:

(а) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги — давлат ижтимоий суғуртаси

ҳисоби юритилишини, тўловларни тайинлаш ва тўлаш тадбирлари ўз вақтида амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилишга;

(б) Жамғарма — давлат ижтимоий суғуртаси доирасида суғурта қилдирувчилар ва суғурталанган шахслар, суғурта стажи ва бадаллари ҳисобини юритиш ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш ва тўлашга;

(в) Соғлиқни сақлаш вазирлиги — суғурталанган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини тегишли ахборот тизимлари орқали тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш ҳамда ахборот тизими орқали Жамғармага тақдим этиб боришга;

(г) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги — суғурталанган шахсларнинг бандлик ҳолати, уларнинг меҳнат стажи ва таътиллари тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизими орқали Жамғармага тақдим этиб боришга;

(д) Солиқ қўмитаси — давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда қамраб олинадиган фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлари тўғрисида, шунингдек, давлат ижтимоий суғуртасининг янги тизими жорий этилгунга қадар бўлган давр учун суғурталанган шахсларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни ҳисоблаб чиқаришда суғурта стажи сифатида инобатга олинадиган даврлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишга.

5. Давлат ижтимоий суғуртаси тизимини ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги:

(а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) 2026 йил якунига қадар босқичма-босқич давлат ижтимоий суғуртаси тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда жозибадорликни ошириш мақсадида суғурталанган шахслар томонидан ўзларининг суғурта стажлари ва амалга оширилган суғурта бадаллари ҳисобини реал вақт режимида кузатиб бориш имкониятини яратсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунида давлат ижтимоий суғуртаси маблағларини шакллантириш учун ижтимоий солиқ ва даромад солиғининг Жамғармага йўналтириладиган қисмини (миқдорини), шунингдек, республика бюджетидан зарур миқдордаги трансфертларни назарда тутсин;

(б) Жамғарма фаолиятини ташкил этиш учун зарур маблағларни асослан-тирилган ҳисоб-китоблар бўйича 2025 йилда Давлат бюджети параметрларида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги учун назарда тутилган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида ажратсин ва 2026 йилдан бошлаб ҳар йили тегишли йил учун бюджет параметрларида назарда тутсин.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя бўйича маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров белгилансин.

10. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 ноябрь,
ПФ–206-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**681** Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркотиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегиянинг устувор мақсадларига эришиш, гиёҳвандлик ва уюшган наркотиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш орқали аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар саломатлигини ҳамда миллат генофондини самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар ва устувор вазифалар

1. Қуйидагилар ушбу Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) Ўзбекистон аҳолисининг саломатлиги ва миллат генофондига жиддий таҳдид солаётган гиёҳвандлик иллатига қарши курашиш ҳамда бунга сабаб бўлаётган уюшган наркотиноятчиликка чек қўйишга қаратилган норматив-ҳуқуқий, тезкор-профилактик ва ташкилий-тарбиявий чоралар комплексини белгилаш;

(б) вояга етмаганлар ва ёшларимиз келажагини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан ҳар томонлама асраш — барча даражадаги давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларининг долзарб вазифаси эканини алоҳида қайд этиш ҳамда уларнинг бу борадаги масъулиятини тубдан ошириш.

2. Қуйидагилар гиёҳвандлик ва наркотиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши кескин курашиш фаолиятини амалга оширишга масъул давлат органлари ва ташкилотларининг устувор вазифалари этиб белгилансин:

(а) таълим муассасаларида, ўқувчи ва талабалар орасида психофаол моддаларнинг тарқалишига батамом чек қўйиш, ёшларда гиёҳвандлик иллатига мурасасиз муносабатни шакллантириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни комплекс равишда амалга ошириш;

(б) гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар (кейинги ўринларда — гиёҳвандлик воситалари) ноқонуний айланмасига қатъий жиноий-ҳуқуқий механизмлар орқали барҳам бериш, бу борадаги жазо чораларини кескин кучайтириш ҳамда ёшларга нисбатан содир этиладиган наркотиноятлар учун жавобгарликни оғирлаштириш;

(в) гиёҳвандлик воситаларини республика чегарасидан олиб кириш йўналишларини, интернет тармоқлари орқали тарқатиш ҳаракатларини, ноқонуний нарколабораторияларни ва наркотиноий уюшмаларни, шу жумладан,

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 8 ноябрда эълон қилинган.

уларга ҳомийлик (раҳнамолик) қилаётган мансабдор шахсларни аниқлаш, улар фаолиятига чек қўйиш ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини йўлга қўйиш;

(г) гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган кимёвий моддалар (прекурсорлар) айланмаси устидан қатъий давлат назоратини ўрнатиш, гиёҳвандлик воситаларидан тиббиётда фойдаланувчи тиббиёт муассасалари, фармацевтика корхоналари ва дорихоналарнинг фаолиятини назорат қилиш амалиётига рақамли ечимларни жорий этиш;

(д) аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар орасида гиёҳвандлик ҳамда заҳарвандликни ташхислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган манзилли чора-тадбирларни белгилаш.

II. Норматив-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш

3. Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2025 йил якунига қадар бугунги кундаги амалиёт, замон талаблари ва илғор хорижий тажрибаларни комплекс ўрганган ҳолда гиёҳвандлик воситалари айланмасини тартибга солиш механизмлари ҳамда наркожиноятларнинг олдини олиш ва фош этишда давлат органлари ва ташкилотларининг аниқ масъулиятини белгилайдиган «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

4. Бош прокуратура, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Божхона қўмитасининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) уюшган наркожиноятчиликка жиноий-ҳуқуқий механизмлар орқали қарши курашиш фаолиятини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Жиноят кодексига «Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондига қарши жиноятлар» номли алоҳида янги бўлим киритиш;

(б) наркожиноятларнинг янги шакллари, усуллари ва уюшганлик даражасидан келиб чиқиб, қўйидаги қилмишлар учун йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилашни назарда тутувчи жиноий жавобгарликни киритиш:

(i) наркожиноий уюшма ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, гиёҳвандлик воситаларини уюшган гуруҳ томонидан трансчегаравий усулларда ёки интернет тармоғидан фойдаланиб ўтказиш;

(ii) гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний муомалага киритишга ҳокимият (мансаб) ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик (раҳнамолик) қилиш ёки бундай жиноятлар фош бўлишининг олдини олиш мақсадида хабар бериш;

(iii) ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш;

(в) гиёҳвандлик воситаларини жамоат жойларида истеъмол қилганлик учун ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазосини қўллашни назарда тутувчи маъмурий жавобгарликни киритиш;

(г) наркожиноятлар содир этилиши ва қайта содир этилишининг олдини

олиш мақсадида қуйидаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик чораларини икки бараваргача оғирлаштириш:

(i) гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп миқдорда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек, уларни ноқонуний равишда кўп миқдорда ҳар қандай усулда ўтказиш;

(ii) кучли таъсир қилувчи моддаларни таълим ташкилотларида, озодликдан маҳрум қилиш жойларида, интернет тармоғидан фойдаланиб, хавфли ёки ўта хавфли рецидивист томонидан муомалага киритиш, шунингдек, уларни кўп миқдорда контрабанда қилиш;

(iii) алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласини (ўтказиш мақсадисиз) кўп миқдорда ва такроран содир этиш;

(iv) гиёҳвандлик воситаларини ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганда;

(д) вояга етмаган ва ёшларни наркожиноятлардан ҳимоя қилиш мақсадида:

(i) ҳар қандай наркожиноятни вояга етмаган шахсларга нисбатан ёки уларни жалб қилган ҳолда содир этишни жиноий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолати сифатида қайд этиш;

(ii) вояга етмаган шахсни кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб қилганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгилаш;

(iii) таълим ташкилотлари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳларида ёки таълим ташкилотларига туташ ҳудудларда кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини икки бараваргача оғирлаштириш;

(iv) вояга етмаган шахсларни кучли таъсир қилувчи моддаларни айнан таълим ташкилотлари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳларида ёки уларга туташ ҳудудларда истеъмол қилишга жалб қилганлик учун ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи жиноий жавобгарликни киритиш;

(ж) айрим наркожиноятларни содир этган шахсларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилмаслик тартибини жорий этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича комиссия маҳкумларнинг афв этишга оид мурожаатларини ўрганишда аҳоли генофондига қарши содир этилган ҳар қандай жиноят давлат, жамият ва шахс учун жиддий хавф эканига ҳамда ўта оғир оқибатларга олиб келишига алоҳида эътибор қаратсин.

III. Комплекс чора-тадбирларни белгилаш ва уларнинг ижросини таъминлаш

6. Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури (кейинги ўринларда — Миллий дастур) 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Масъул вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ўз соҳавий йўналиши ва ҳудуди кесимида Миллий дастур ижросини манзилли ташкил этиш бўйича ҳар чораклик «йўл хариталари»ни ишлаб чиқишни таъминласин.

8. Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши кескин курашиш борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш ҳамда Миллий дастур ижросини тизимли равишда назорат қилиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида фаолият кўрсатувчи Республика идоралараро мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ) 2-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

9. Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ (С. Гордеев, Б. Ташматов):

(а) Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) қошида масъул вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ штаби таркибини шакллантирсин ҳамда 2025-2026 йилларда мазкур Фармон билан белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш борасидаги ишларнинг натижадорлигини, шу жумладан, жойларга чиққан ҳолда тизимли ўрганиш ва мониторинг қилиб боришни ташкил қилсин;

(б) Миллий дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини доимий равишда ва қатъий назорат қилиб борсин.

10. Миллий дастур, соҳавий ва ҳудудий «йўл хариталари»да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда аниқ натижаларга эришиш юзасидан масъулият давлат органлари, идоралари ва маҳаллий ҳокимликларнинг шахсан биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилсин ва мазкур йўналишдаги фаолият самарадорлиги таъминланмаган тақдирда, уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) масъул давлат органлари, идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар ҳар ой якунида мазкур Фармонда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш борасида қилинган аниқ ишлар ҳамда Миллий дастурнинг ижроси юзасидан ҳисоботларни Агентликка киритиб боради;

(б) Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ:

(i) ҳар ойда масъул давлат органлари, идоралари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг мазкур Фармонда белгиланган устувор вазифаларнинг соҳалар ва ҳудудлар кесимида ижроси юзасидан ҳисоботларини эшитади, натижадорлиги бўйича танқидий муҳокамалар ўтказади ҳамда ушбу масалага масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган таъсир чораларини кўриб боради;

(ii) ҳар чоракда республикада гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши кескин курашиш борасида мазкур

* 2-илова берилмайди.

Фармонга асосан кўрилган манзилли чоралар ва эришилган аниқ натижалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб боради.

IV. Наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ва аниқлаш механизмлари

12. Саноат ва тиббиётда фойдаланиладиган кимёвий моддаларнинг синтетик наркотиклар, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларни ноқонуний тайёрлаш жараёнига кириб боришининг олдини олиш мақсадида:

(а) Ўзбекистонда муомаласи чекланган прекурсорлар рўйхатини халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда кенгайтириш чоралари кўрилсин ҳамда уни соддалаштирилган тартибда тезкорлик билан янгилаб бориш (тўлдириш) механизмлари жорий этилсин;

(б) прекурсорларнинг қонуний муомаласини тартибга солиш ҳамда улар ишлаб чиқарилишидан (хориждан келтирилишидан) бошлаб реализация қилинишигача (транзит ўтиши, махсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш, сотиш, сақлаш, бериш ва бошқа) бўлган барча жараёнларни электрон назорат қилиш тизимини йўлга қўйишни назарда тутувчи қатъий давлат назорати ўрнатилсин;

(в) Агентликка Ўзбекистонда прекурсорлар муомаласи устидан тизимли назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмаси юзасидан ваколатли ҳуқуқ-тартибот органларига терговга қадар текширувни ўтказиш юзасидан тақдимнома киритиш ҳуқуқи берилсин;

(г) Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти ва Божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бошқармаси тузилмаларида, мавжуд штатлар доирасида, прекурсорларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўлимлари фаолияти йўлга қўйилсин.

13. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

(а) прекурсорларнинг қонуний муомаласини тартибга солишга ва бу борада унинг барча босқичларида қатъий давлат назорати механизмларини белгилашга, шунингдек, прекурсорларнинг ноқонуний муомаласи ҳамда улардан фойдаланиш тартибини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни киритишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин;

(б) гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган ёки аниқлашга кўмаклашган фуқароларни муносиб рағбатлантириш тартибини жорий этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов), Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов) бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2026 йил 1 июлга қадар Интернет тармоғидаги наркодўконларни ҳамда гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш ҳолатларини сунъий интеллект технологиялари ёрдамида аниқлаш ва блоклашга мўлжалланган дастурларни

ишлаб чиқиш бўйича ёшлар ўртасида ҳакатон ўтказсин ҳамда энг мақбул таклифларни танлаб олиб, амалиётга жорий қилиш чораларини кўрсин.

15. Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов):

(а) 2025 йил якунига қадар ички ишлар органларининг барча профилактика инспекторларини хизмат олиб бораётган маҳаллалар ҳудудида ғайриқонуний нарколабораториялар ва кучли таъсир қилувчи дори воситаларини қўлбола усулда қадоқловчи цехларни аниқлаш бўйича ўқитишни ташкил қилсин ҳамда уларнинг бу борадаги самарали фаолиятини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан муносиб рағбатлантириш ёки бошқа идоралар (соҳавий бўлинмалар) томонидан маҳаллада аниқланган тақдирда интизомий жазо чораларини қўллаш амалиётини йўлга қўйсин;

(б) Мудофаа саноати агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 мартга қадар ички ишлар органлари учун тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари намуналарини экспресс текшириш бўйича энг замонавий техник воситаларни харид қилиш ва амалиётга жорий этиш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

V. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 ноябрь,
ПФ-207-сон

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**682 «Келажак мероси» халқаро мукофотини таъсис этиш тўғрисида***

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан барпо этилаётган Янги Ўзбекистоннинг маданий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг бу борадаги халқаро обрў-эътиборини юксалтиришда қадимий тарихий меросимиз намуналари, маданий бойликлар, илмий ютуқ ва инновацион ғояларни турли шаклларда, жумладан, илмий, адабий-бадий, тасвирий йўллар билан фаол тарғиб этиш, уларнинг нафақат бугунги, балки келгуси тараққиётимизга хизмат қиладиган таъсирчан воситага айлантиришга қаратилган интилиш ва амалий ҳаракатлар бугунги кунда тобора муҳим аҳамият касб этиб бормокда.

Ана шундай ғоят кенг қамровли жараёнларни Ер юзидаги барча халқлар, жумладан, Ўзбекистон халқининг эзгу орзулари билан боғлаб, адабиёт, маданият, санъат, илм-фан, таълим ва рақамли технологиялар соҳаларида юксак натижаларга эришаётган ҳамда миллий ва умумбашарий қадриятлар ривожига, глобал маданий тараққиётга муносиб ҳисса қўшиб келаётган маҳаллий ҳамда хорижий ижодкор ва зиёлиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. «Келажак мероси» халқаро мукофоти (кейинги ўринларда — Халқаро мукофот) таъсис этилсин.

2. Халқаро мукофот учун танловлар 2025 йилдан бошлаб ҳар йили қуйидаги йўналишларда ўтказиб борилсин:

- (а) адабиёт;
- (б) маданий мерос;
- (в) театр ва кино;
- (г) мусиқа ва рақс;
- (д) тасвирий ва амалий санъат;
- (ж) мода ва дизайн;
- (з) илм-фан, таълим ва рақамли технологиялар.

3. Белгилансинки:

(а) Халқаро мукофотнинг ҳар бир йўналиши бўйича ғолиблар статуётка, диплом ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридagi бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади;

(б) ғолибларга Халқаро мукофот тантанали равишда топширилади.

4. «Келажак мероси» халқаро мукофоти кенгаши тузилсин, унинг таркиби ҳамда асосий вазифалари 1** ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин. Маданият вазирлиги Кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «Келажак мероси» халқаро мукофоти тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро мукофотни хорижий мамлакатларда кенг оммалаштиришга ва голиб деб топилган чет эллик иштирокчиларнинг мамлакатимизга таклиф этилишига кўмаклашсин, шунингдек, уларга кириш визаларини, зарур ҳолларда «Тошкент» ва «Самарқанд» халқаро аэропортларида расмийлаштиришни таъминласин.

7. Маданият вазирлиги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий медиа бирлашмаси, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда Халқаро мукофот, унинг аҳамияти ҳамда ушбу қарор доирасида амалга оширилаётган ишлар кенг ёритиб борилишини ташкил этсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Халқаро мукофот танловини ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар 2025 йилда Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади, 2026 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 ноябрь,
ПҚ–330-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги
ПҚ-330-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Келажак мероси» халқаро мукофоти кенгашининг
АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

1. Малакали мутахассис ва ижодкорлардан иборат таркибда талабгорларнинг ишларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш.

2. Ишчи гуруҳларнинг хулосаларини ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда Халқаро мукофот ғолибларини аниқлаш.

3. Халқаро мукофот билан тантанали тақдирлаш маросимларига тайёргарлик кўриш ва уни юқори даражада ўтказиш.

4. Халқаро мукофотнинг махсус дипломи ва статуэткаси лойиҳаларини тасдиқлаш.

5. Халқаро мукофотнинг расмий веб-саҳифасини яратиш, ишга тушириш ҳамда фаолияти узлуксиз юритилишини таъминлаш.

6. Халқаро мукофотни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, интернет, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб этиш ҳамда оммалаштириш.

7. Халқаро мукофот ғолиблари билан мунтазам фаол ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш.

8. Халқаро мукофотни жаҳон миқёсидаги нуфузини ошириш ҳамда бу борада фаол халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

683 2026 — 2030 йилларда кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги «2025 — 2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ—186-сон қарорига мувофиқ 2026 — 2030 йилларда кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволаш, мавжуд ва аниқланаётган янги турдаги ирсий ва генетик касалликлар бўйича тиббий ва ижтимоий хизматларни такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар 2026 — 2030 йилларда кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларни даволаш ва олдини олишнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул даволанадиган кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликлар турини 5 тадан 10 тага етказиш;

(б) кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларнинг дори воситалари, махсус озиқ-овқатлар ва тиббий жиҳозлар билан таъминланиш даражасини 95 фоиздан 99 фоизгача етказиш;

(в) кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиклаш, болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларнинг жамият ҳаётида иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш.

II. Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш

2. Ушбу қарор билан белгиланган мақсад ва устувор вазифаларга эришиш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи 2026 — 2030 йилларда кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

(а) муковисцидоз, талассемия, гемофилия, тизимли бошланувчи ювенил

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

артрит, туғма буллёзли эпидермолиз, бирламчи (туғма) иммунодефицит ҳолати, Дюшенн мушак дистрофияси, склерозлашган панэнцефалит, Гоше ва Помпе касалликларига чалинган беморларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва грант маблағлари ҳисобидан бепул дори воситалари, махсус озиқ-овқатлар ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш;

(б) аҳоли ўртасида кенг ахборот ва тарғибот кампаниясини ўтказиш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 январдан бошлаб кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган 18 ёшдан 21 ёшгача бўлган (21 ёш ҳам қиради) беморлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тиббий кузатувда бўлади ва даволаниш ишлари давом эттирилади.

III. Молиявий таъминот

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари асосида 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни назарда тутсин.

IV. Соғлиқни сақлаш йўналишидаги тадбирлар бўйича харажатларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ соғлиқни сақлаш йўналишидаги қуйидаги тадбирлар бўйича харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағлар 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида назарда тугилади:

(а) вирусли гепатитнинг «С» ва «В» турларини эрта ташхислаш ва вирусга қарши махсус даволаш ишларини ташкил этиш;

(б) эндокринологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш;

(в) нефрология ва гемодиализ хизматини такомиллаштириш;

(г) гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш;

(д) буйрак ва жигар трансплантацияси амалиётларини ўтказиш.

Бунда ушбу йўналишлар бўйича дастурларни амалга оширишни назарда тутувчи алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингунга қадар амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосланган ҳисоб-китоблар асосида маблағлар режалаштирилади.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

6. Мазкур қарор ижросини мониторинг қилиб бориш режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Бунда:

(а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарор ижросини мониторинг режасига асосан ҳар йили 15 февралга қадар мониторингдан ўтказсин ҳамда

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мониторинг натижаларини Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига киритиб борсин;

(б) Ҳисоб палатаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мониторинг режаси асосида қарор ижросини назорат қилсин ҳамда ҳар йили 25 февралга қадар Президент Администрациясига ахборот киритиб борсин;

(в) «Ijro.gov.uz» тизимида қарор ижросини назоратдан ечишда мониторинг режасида кўрсатилган мақсадларга эришилганлиги инобатга олинсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда тизимли равишда аҳоли ўртасида кам учрайдиган (орфан) ва ирсий-генетик касалликларнинг олдини олиш, соғлом оилани шакллантириш ва соғлом бола туғилиши бўйича тарғибот ишларини мунтазам равишда амалга ошириб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

11. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 ноябрь,
ПҚ–331-сон

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

684 Умумий ўрта таълим муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари ва «Жасорат мактаблари» фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўқувчи-ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 15 ноябрдаги ПҚ–393-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўқувчи-ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 15 ноябрдаги ПҚ–393-сон қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимида жорий этилган чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик (кейинги ўринларда — ЧҚБТ) раҳбари лавозимига номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартибини;

ЧҚБТ раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини (КРІ) ва уларнинг меҳнатини қўшимча рағбатлантириш тартибини;

«Жасорат мактаблари»га ўқувчиларни қабул қилиш ва ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Умумий ўрта таълим муассасалари чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари лавозимига номзодларни саралаш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Жасорат мактаблари»га ўқувчиларни қабул қилиш ва ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

ЧҚБТ раҳбарларига уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари (КРІ) асосида эришилган натижадорлигидан келиб чиқиб, базавий тариф ставкасининг 20 фоизигача миқдорда қўшимча ҳар ойлик устама тўланади;

ушбу устама Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари харажатлар сметаларида шакллантириладиган ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси доирасида тўланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Мактабгача ва мактаб

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ЧҚБТ раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини (КРІ) ва уларнинг меҳнатини кўшимча рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва кўшимча киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Ш.Ф. Халмухамедов ҳамда мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 3 ноябрь,
688-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 3 ноябрдаги 688-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим муассасалари чақирувга қадар бошланғич
тайёргарлик раҳбари лавозимига номзодларни саралаш ва
уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат умумтаълим мактаблари, Президент мактаблари, ижод мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблардаги (кейинги ўринларда — умумий ўрта таълим муассасалари) чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик (кейинги ўринларда — ЧҚБТ) раҳбари лавозимига номзодларни саралаш ҳамда ЧҚБТ раҳбари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Академик лицейлар ва техникумларда ЧҚБТ раҳбари лавозимларини бутлаш ҳамда ЧҚБТ раҳбари фаолиятини ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2023 йил 8 ноябрдаги 591-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. ЧҚБТ раҳбари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга,

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг идоравий хужжатларига амал қилади.

4. ЧҚБТ раҳбари лавозимига номзодлар ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ сараланади.

2-боб. ЧҚБТ раҳбари лавозимига номзодларни саралаш

5. ЧҚБТ раҳбари лавозимига номзодлар танлов асосида саралаб олинади. Танлов бўш (вакант) лавозимларга эълон қилинади.

Бўш (вакант) лавозимлар рўйхати ва танлов ўтказиш шартлари Миллий вакансиялар базаси (ish.mehnat.uz), Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Танловда олий таълим муассасалари ҳарбий таълим факультетларининг «Чақириққача ҳарбий таълим» йўналишини тамомлаган ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги олий маълумотга эга бўлган оддий аскарлар, сержантлар, шунингдек, офицерлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашиши мумкин.

6. ЧҚБТ раҳбари лавозимига танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

эгаллаган билимлари, ўз қарашлари, шахсий фикр ва мулоҳазаларини давлат тилида оғзаки ва ёзма шаклда эркин баён этиши, шунингдек, маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши;

таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий хужжатлар талабларини ўқиб тушуниши ва ўз фаолиятида қўллай олиш кўникмасига эга бўлиши;

таълим жараёнини ташкил этишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун етарли даражада билим ва малакага эга бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган меъёрларга мувофиқ камида «қониқарли» баҳога баҳоланадиган жисмоний тайёргарлик даражасига эга бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий низомлари талабларини билиши ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф низоми қоидалари ҳамда элементларини амалда бажара олиши;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари умумқўшин тактик бўлинмаларининг таркибий тузилишини, асосий қурол-яроғлар ва ҳарбий техникаларнинг тактик-техник тавсифларини билиши.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Педагогнинг мақоми тўғрисида»-ги Қонунига мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиш тақиқланган шахслар, шунингдек, давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатномадан маҳрум қилинган ёки ҳарбий хизматчи номига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар содир этгани учун ҳарбий хизматдан (хизматдан) бўшатишган шахсларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Танловнинг шаффоф ва адолатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида ҳар йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқларининг буйруғи билан тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари кесимида қуйидаги таркибда танлов комиссияси тузилади (кейинги ўринларда — Танлов комиссияси):

туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, Танлов комиссияси раиси;

туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи, Танлов комиссияси раиси ўринбосари;

туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг ҳарбий хизматга мажбурлар ҳисобини юритишга масъул бўлинмаси бошлиғи;

туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг чақирув масалаларига масъул бўлинмаси бошлиғи;

туман (шаҳар) ёшлар ишлари бўлими вакили;

тегишли касаба уюшмаси бўлинмаси (бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти) вакили;

туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими мутахассиси, Танлов комиссияси котиби.

Танлов комиссияси таркибига бўш (вакант) ЧҚБТ раҳбари лавозими мавжуд бўлган умумий ўрта таълим муассасаси раҳбари (ёки раҳбар ўринбосари) Танлов комиссияси раиси томонидан раис ўринбосари билан келишган ҳолда киритилади.

Номзодларнинг ҳарбий (жисмоний) тайёргарлиги ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш учун Танлов комиссияси ишига тегишли ҳудудда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасалар ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларининг соҳа бўйича мутахассислари жалб этилиши мумкин.

9. Танлов комиссияси ҳар йил 1 январдан 31 декабрга қадар фаолият юритади.

10. Танлов комиссиясининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

номзодларни танлаб олиш тадбирларининг шаффоф ва адолатли ўтказилишини таъминлаш;

номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва рўйхатга олиш;

тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш;

номзодларга танловни ўтказиш ва баҳолаш тартиби бўйича тушунтиришлар, уларнинг саволларига жавоб бериш;

танлов тадбирлари ўтказиладиган жой ва вақт ҳақида номзодларни хабардор қилиш;

танлов тадбирларини ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратиш;

танлов натижаларининг сифатли расмийлаштирилишини (далолатнома, баёнлар ва бошқалар) таъминлаш;

номзодларнинг шахсга доир маълумотлари уларнинг розилигисиз ошкор қилинмаслигини таъминлаш.

11. Танлов тадбирлари туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими ҳамда туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиқлари томонидан ўзаро келишилган ҳолда белгиланадиган тегишли ҳудуддаги умумий ўрта таълим муассасаларидан бирининг базасида ўтказилади.

Бунда заруратга кўра, танловнинг амалий тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларнинг базасида ҳам ўтказилиши мумкин.

12. Танлов ўқув йили давомида мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг буйруғига асосан ўтказилади.

13. Номзодларга қулайлик яратиш мақсадида ЧҚБТ раҳбари лавозимига номзодларни саралаш тартиби, уларга қўйиладиган талаблар ҳақидаги маълумотлар қайд этилган ахборот стендлари туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларида фуқароларга кўринарли жойларга жойлаштирилади.

14. Номзодлар туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ намунадаги ариза билан бевосита танлов тадбирлари бошланишидан камида бир ҳафта олдин мурожаат қилишлари мумкин. Бунда номзод ўз аризасига унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек, соғлиғининг ҳолати тўғрисида тегишли шаклдаги маълумотномани илова қилиши лозим.

15. Номзодларни ишга қабул қилиш жараёнида талаб этиладиган ҳужжатлар (маълумотлар) Танлов комиссияси котиби томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан ушбу Низомга 3-иловада* келтирилган рўйхатга мувофиқ «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали ёки қоғоз шаклида (электрон тизим орқали олишнинг имкони бўлмаганда) сўраб олинади.

Номзоднинг муомалага лаёқатсизлиги ёки муомала лаёқати чеклангани ҳолатини текшириш мажбурияти Танлов комиссиясига юкланади.

Номзодларнинг ҳужжатлари Танлов комиссияси томонидан ўн беш иш куни ичида ўрганиб чиқилади.

Ўрганиш натижалари бўйича малака талабларига жавоб берадиган фуқаро Танлов комиссияси томонидан номзодлар рўйхатига киритилгани ёки ҳужжатларидаги камчиликлар кўрсатилган ҳолда, уларни бартараф этгандан сўнг қайта мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисида бир кун муддат ичида почта ёки алоқанинг бошқа воситалари орқали хабардор қилинади.

16. ЧҚБТ раҳбари лавозимига тайинланиш учун танловда қатнашувчи номзодлар рўйхатига киритилган фуқаролар камида бир ҳафта олдин танлов тадбирларини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида Танлов комиссияси котиби томонидан почта ёки алоқанинг бошқа воситалари орқали хабардор қилинади.

Танлов тадбирлари бошланишига бир ҳафтадан кам муддат қолганда мурожаат қилган номзодлар кейинги танловларда иштирок этишлари мумкин.

17. Танлов тадбирлари ўтказиладиган жойларга номзодлар томонидан мобил алоқа воситаси, компьютер, китоб, луғат ва бошқа материалларни олиб

* 2-3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, синовлар вақтида бошқа номзодлар билан суҳбатлашиш тақиқланади.

Ушбу талабларга риоя этмаган номзодлар Танлов комиссияси аъзолари иштирокида тузилган далолатнома асосида танлов тадбирларидан четлаштирилади.

Танлов тадбирлари видеотасвирга олинади.

18. Танлов уч босқичда ўтказилади. Бунда номзодлар ушбу Низомга 4-иловада* келтирилган баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ баҳоланади.

19. Танловнинг биринчи босқичида (амалий синовлар) номзоднинг:

педагогик қобилияти ва маҳоратини баҳолаш мақсадида ЧҚБТ фани дастури доирасида номзод томонидан танланган мавзуда (мавзулар рўйхати Танлов комиссияси томонидан олдиндан тақдим этилади) синов машғулоти ўтказилади;

ҳарбий тайёргарлик бўйича билим ва кўникмаларини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг Саф низомида белгиланган саф амаллари, жисмоний тайёргарлик, ўқ отиш тайёргарлиги ва фуқаро муҳофазаси бўйича меъёрлар бажарилади;

ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш мақсадида номзод томонидан «Microsoft Word» дастурида 3 та, «Microsoft Power Point» дастурида 3 та, «Microsoft Excel» дастурида 3 та топшириқ бажарилади.

20. Танловнинг иккинчи босқичида номзоднинг ёшлар ва ёшларга оид давлат сиёсати, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбия масалаларига доир ҳамда ҳарбий тайёргарлик бўйича умумий билим даражаси тест синовлари ўтказиш орқали баҳоланади.

Бунда номзод компьютерда (автоматик баҳолаш функцияси билан) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тузиладиган 40 та тест саволига жавоб беради.

21. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичларида жами 40 баллдан кам балл тўплаган номзодларга танловнинг кейинги босқичида (якка тартибда суҳбат) иштирок этишига йўл қўйилмайди.

22. Танловнинг учинчи босқичида:

номзод билан жаҳондаги ва (ёки) минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шу жумладан, таълим соҳасидаги ислоҳотлар, ўқитувчилик касбини танлашининг сабаби каби мавзуларда якка тартибда суҳбат ўтказилади;

номзод томонидан тақдим этилган ҳужжатлар (илмий даражаси ва илмий унвони, расман чоп этишга рухсат этилган дарслик ва қўлланмалари, педагогик стаж, педагогика йўналишида малака оширгани, Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари сафидаги ҳарбий хизмати) асосида унинг билим ва кўникмалари оғзаки савол-жавоб ўтказиш орқали аниқланади.

23. Танловнинг ҳар бир босқичида номзодни баҳолаш кўрсаткичлари танлов тадбирлари ўтказилган куннинг ўзида тегишли баҳолаш варақала-

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рида қайд этилади ҳамда Танлов комиссияси раиси ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда номзодга имзо қўйдириб, таништирилади.

Танлов якунида номзодлар томонидан танлов тадбирларида кўрсатган натижалари Номзодларнинг умумий кўрсаткичлари варақасида қайд этилади ҳамда Танлов комиссияси раиси ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда номзодларга имзо қўйдириб таништирилади.

Баҳолаш варақаларининг намуналари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

24. Танлов якуни бўйича энг юқори натижа кўрсатган номзод танловдан ўтган деб ҳисобланади ҳамда Танлов комиссиясининг баённома билан расмийлаштирилладиган қарори асосида умумий ўрта таълим муассасасининг бўш (вакант) ЧҚБТ раҳбари лавозимига тайинлашга тавсия этилади.

25. Номзод ўзи танловда қатнашган умумий ўрта таълим муассасасида энг юқори натижа кўрсатмаган, лекин танловда кўрсатган натижаси бошқа умумий ўрта таълим муассасаларида танловда қатнашган номзодларнинг натижаларидан юқори бўлса, унга ушбу умумий ўрта таълим муассасаларидаги танлов ўтказилган бўш (вакант) ЧҚБТ раҳбари лавозимига ишга қабул қилишда устуворлик берилади.

26. Танлов комиссияси томонидан умумий ўрта таълим муассасасининг бўш (вакант) ЧҚБТ раҳбари лавозимига тайинлашга тавсия этилган шахслар билан тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими бошлиғи ўртасида уч иш куни ичида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузилади.

Меҳнат шартномасида умумий ўрта таълим муассасаси раҳбари билан келишилган ҳолда ходим учун меҳнат шартлари ҳамда меҳнат муносабатларига оид масалалар қайд этилади.

Ходимнинг меҳнат шартномасида қайд этилган меҳнат шартларини бажариш учун ишга киришиш санаси меҳнат шартномаси иш берувчи билан ходим томонидан имзоланган кундан бошланади.

Меҳнат шартномаси туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг ходимни лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруғини қабул қилиш учун асос бўлади.

27. ЧҚБТ раҳбари лавозимига тайинланган шахслар тўғрисидаги маълумотлар туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими томонидан мудофаа ишлари бошқармаси орқали беш кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига тақдим этилади.

3-боб. Апелляция шикоятларини кўриб чиқиш

28. Танлов натижаларидан, туман (шаҳар) танлов комиссиялари қароридан норози бўлган номзодлар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб икки иш куни ичида Апелляция комиссиясига ёзма равишда апелляция шикояти беришлари мумкин.

29. Апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари

бошлиқларининг буйруғи билан, беш кишидан кам бўлмаган тоқ таркибда доимий фаолият юритувчи Апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси муаммоли ҳолатларга аниқлик киритиш учун жамоатчилик асосида малакали мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқларининг Апелляция комиссиясини ташкил этиш ҳақидаги буйруқларида белгиланади.

Апелляция комиссияси таркибига Танлов комиссияси аъзоларининг киритилишига йўл қўйилмайди.

30. Апелляция комиссиясининг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Апелляция комиссияси раиси;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг малакали мутахассислари, Апелляция комиссияси раиси ўринбосари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар ишлари бошқармалари ва тегишли касаба уюшмаси бўлинмаси (бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти)нинг малакали мутахассислари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг тегишли бўлими бошлиғи, комиссия котиби.

31. Апелляция комиссиясининг мажлиси, агар унда аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, Апелляция комиссиясининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

32. Апелляция комиссияси шикоятлар келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида мурожаат қилган номзод иштирокида ёки унинг ёзма розилиги асосида номзод иштирокисиз кўриб чиқилади.

Апелляция комиссияси котиби шикоятни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида камида бир иш куни олдин номзодни хабардор қилади.

33. Апелляция комиссияси танлов жараёнида номзоднинг берган жавоблари, бажарган амалий машқлари акс этган видеотасвирларни кўриб чиқади ҳамда тўлдирилган варақалар асосида масалани атрофлича ўрганadi.

Апелляция комиссияси томонидан шикоятни кўриб чиқиш давомида номзодга уни қайта баҳолашга қаратилган саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

34. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади:

номзоднинг танлов натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

танловнинг шикоят қилинган натижаларини ўзгартириш. Бунда номзод танловда кўрсатган натижаси ўзгариши оқибатида энг юқори натижа кўрсатса, умумий ўрта таълим муассасасининг бўш (вакант) ЧҚБТ раҳбари лавозимига тайинлашга тавсия этилади, аксинча бўлганда эса тавсия этилмайди.

Апелляция шикоятини кўришда номзоднинг танловда кўрсатган натижасини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

35. Апелляция комиссияси қарорининг нусхаси мурожаат этувчига қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни ичида тақдим этилади.

4-боб. ЧҚБТ раҳбарларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларга малака тоифаси ҳамда ҳарбий унвон бериш

36. Умумий ўрта таълим муассасалари ЧҚБТ раҳбари лавозимларини контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатишга юқори касбий тайёргарликка эга шахслар билан сифатли бутлаш мақсадида ҳарбий хизматдан резервга бўшатилишидан камида уч ой аввал келгусида ЧҚБТ раҳбари сифатида фаолият юритиш истагини ёзма равишда билдирган оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибига мансуб олий маълумотли контракт бўйича ҳарбий хизматчилар учун Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети, Фарғона давлат университети ва Бухоро давлат педагогика институти ҳарбий тайёргарлик факультетларидан бирининг базасида ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида қайта тайёрлаш курслари ташкил этилиши мумкин.

37. ЧҚБТ раҳбарларининг малакаси ҳар беш йилда бир мартаба Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети, Фарғона давлат университети ва Бухоро давлат педагогика институти ҳарбий тайёргарлик факультетлари базасида тегишли ўқув дастурлари бўйича оширилади. Илгари малака оширишдан ўтмаган ва ишга янги қабул қилинган ЧҚБТ раҳбарларига ёки биринчи бор ишга кирган ЧҚБТ раҳбарлари касбий фаолиятига уч йил тўлгандан сўнг малака оширишга жалб этилади.

Малака ошириш курсларида замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш бўйича машғулотларни ўтказиш учун Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти мутахассислари жалб қилинади.

Ушбу машғулотлар таҳсил олувчиларнинг фаолият юритиш жойининг узоқлиги ҳамда ЧҚБТ фани тадбирлари хусусиятларидан келиб чиқиб, он-лайн тарзда ҳам ўтказилиши мумкин.

38. ЧҚБТ раҳбарларига малака тоифалари таълим муассасалари педагог ходимларига малака тоифаларини бериш бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ берилади.

39. ЧҚБТ раҳбари лавозимига танлов асосида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидаги ҳақиқий ҳарбий хизматдан ёш бўйича (ҳарбий хизматда бўлиш ёши чегарасига етганда) ёки соғлигининг ҳолатига кўра резервга бўшатишга офицерлар, олий маълумотли оддий аскар ва сержантлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ даврида олган охириги малака тоифаси педагогик малака тоифасига қуйидагича тенглаштирилади ҳамда базавий тариф ставкасини белгилашда инobatга олинади:

«Мастер» — олий малака тоифасига;

«I даража» — биринчи малака тоифасига;

«II даража» — иккинчи малака тоифасига.

Кейинчалик ушбу малака тоифалари педагог кадрлар учун белгиланган тартибда ошириб (тасдиқлаб ёки тушириб) борилади.

40. ЧҚБТ раҳбарларига навбатдаги ҳарбий унвон бериш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий йиғинлар ташкил этилади ва ўтказилади.

41. Ҳарбий йиғинларнинг назорат синовларини муваффақиятли топширган ва педагогик малака тоифасига эга бўлган шахсларга навбатдаги ҳарбий унвон Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда берилади.

42. Ҳарбий йиғинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига юкланади. Бунда ҳарбий округлар полигонларидан ўқув-моддий база сифатида фойдаланиш билан бирга олий ҳарбий таълим муассасалари, шу жумладан, Ўзбекистон миллий педагогика университети, Фарғона давлат университети ҳамда Бухоро давлат педагогика институти ҳарбий тайёргарлик факультетлари профессор-ўқитувчилари таркибидан вакиллар ҳарбий йиғин маъмурияти таркибига киритилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

43. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

44. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 3 ноябрдаги 688-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Жасорат мактаблари»га ўқувчиларни қабул қилиш ва
ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўқувчи-ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 15 ноябрдаги ПҚ–393-сон қарори билан ташкил этилган «Жасорат мактаблари»га (кейинги ўринларда — Жасорат синфлари) ўқувчиларни қабул қилиш ва ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жасорат синфларининг асосий мақсади ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш, уларда ҳарбий хизматни ўташда зарур бўладиган дастлабки ҳарбий ва ижодий кўникмаларни шакллантириш, олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун мақсадли тайёрлашдан иборат.

3. Қуйидагилар Жасорат синфларининг асосий вазифалари ҳисобланади: ҳарбий-спорт мусобақалари, интеллектуал викториналар ва кўрик-танловларни ташкил этиш;

робототехника, келажак ўйинлари, тиббий тайёргарлик, ҳуқуқий саводхонлик, миллий спорт ўйинлари каби тўғарак машғулотларига ўқувчиларни жалб қилиш;

ўқувчиларда халқимизнинг маънавий-маърифий кадриятларига, унинг маданияти ва урф-одатларига чуқур ҳурматни, уларда ҳалоллик, ватанпарварлик, садоқат, фидокорлик сингари сифатларни, шунингдек, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш;

мамлакатимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аждодларимизнинг, энг аввало, соҳибқирон Амир Темурнинг бебаҳо мероси, Ватанимиз озодлиги ҳамда эл-юрт тинчлиги йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган ватандошларимизнинг қаҳрамонлиги асосида Ўзбекистон халқига содиқ, қатъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшларни тарбиялаш.

4. Жасорат синфларида таълим жараёнлари умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мактабга-ча ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув режа ҳамда дастурлари асосида ташкил этилади.

5. Жасорат синфларига ўқувчилар белгиланган йиллик қабул параметри доирасида (битта синфга 26 нафар ўқувчи) 5-синфдан бошлаб қабул қилинади.

6. Жасорат синфларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

7. Жасорат синфларида ўқиш муддати етти йилни ташкил қилади.

8. Жасорат синфлари ўқувчиларининг кийим-бош намуналари ва кийишни тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланади.

9. Жасорат синфларига ўқувчилар ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ қабул қилинади.

2-боб. Жасорат синфларига ўқувчиларни қабул қилиш

10. Жасорат синфларига ўқувчилар кириш имтиҳонлари натижаларига кўра қабул қилинади.

Жасорат синфларига ўқувчилар ушбу Низом талабларига мувофиқ қабул комиссияси томонидан танлаб олинади ва ўқишга қабул қилинади.

11. Жасорат синфлари ташкил этилган умумий ўрта таълим муассасаларида ҳужжатларни қабул қилиш, расмийлаштириш, жисмоний тайёргарлик бўйича синовлар ўтказиш, тест синовини ўтказиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаш ва ота-оналарнинг (қонуний вакилнинг) мурожаатларини кўриб чиқиш мақсадида Вазирлик, Вазирлик ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг (кейинги ўринларда — Ҳамкор ташкилотлар) масъул вакилларида иборат таркибда қабул комиссияси (кейинги ўринларда — қабул комиссияси) шакллантирилади.

12. Қабул комиссиясининг таркиби Агентлик директори буйруғи билан тасдиқланади.

Қабул комиссияси 7 нафардан кам бўлмаган тоқ сонда комиссия раиси, комиссия раиси ўринбосари, комиссия котиби ва унинг аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

13. Қабул комиссияси:

кириш имтиҳонлари материалларини Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тайёрлайди;

ҳар бир Жасорат синфи бўйича тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

ҳужжатлари қабул қилинган ўқувчиларнинг рўйхатини шакллантиради, уларни кириш имтиҳонлари шартларига мос равишда гуруҳларга тақсимлайди;

кириш имтиҳонлари учун апелляция комиссияларига малакали мутахассисларни жалб этади ҳамда уларнинг таркибини тасдиқлайди;

кириш имтиҳонларини ташкил этади ҳамда уларнинг натижаларини эълон қилади.

14. Қабул комиссияси томонидан ҳар бир Жасорат синфи бўйича алоҳида ишчи гуруҳ таркиби шакллантирилади ва тасдиқланади.

15. Ишчи гуруҳ:

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўқувчиларнинг ҳужжатлари ушбу Низом талаблари асосида тақдим этилганини ўрганади;

Ўрганиш натижасида ўқувчининг ҳужжатларини қабул қилиш, таҳрирлашга юбориш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

ҳужжатлари таҳрирлашга юборилган ёки қабул қилиниши рад этилган ҳолларда таҳрирлашга юбориш ёхуд рад этиш сабабларини аниқ кўрсатган ҳолда, ўқувчиларнинг шахсий кабинетига ёки телефон рақамига «SMS» шаклида хабар юборади;

кириш имтиҳонлари ўтказиладиган жойларни талаб даражасида тайёрлайди;

Ўқувчиларни, уларнинг ота-оналарини (қонуний вакилини) кириш имтиҳонлари шартлари билан таништиради, кириш имтиҳонлари ўтказиладиган жойи ва вақти тўғрисида шахсий кабинетга ёки боғланиш учун тақдим этилган телефон рақамига «SMS» шаклида хабар юбориш орқали огоҳлантиради;

тасдиқланган жадвал асосида мурожаат қилувчиларга маслаҳат бериб боради;

қабул қилинган ҳужжатларнинг кунлик мониторингини юритади ва қабул комиссиясига кунлик ахборот киритади;

Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари (қонуний вакили) томонидан бериладиган саволларга жавоб тайёрлаш ва уларни веб-сайт, ижтимоий тармоқлар орқали кенг оммага тақдим этиш чораларини кўради.

16. Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан камида ўн иш куни олдин қабул комиссияси томонидан Вазирлик ва Агентликнинг расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида қабул қилиш тартиби, ҳужжатларни топшириш муддатлари ҳамда қабул параметрлари тўғрисида эълон қилинади.

17. Жасорат синфларига кириш учун ўқувчиларнинг ҳужжатлари йигирма иш кунидан кам бўлмаган муддатда қабул қилинади.

18. Кириш имтиҳонлари барча Жасорат синфлари учун бир вақтда ўтказилади. Ўқувчи ҳужжатларини фақат битта Жасорат синфига топшириши мумкин.

19. Умумий ўрта таълим муассасасининг тегишли синфида ўқишни тўлиқ тамомлаган ўқувчиларнинг Жасорат синфларининг шундай синфида такроран ўқишига рухсат берилмайди.

20. Жасорат синфларига ўқувчиларнинг қуйидаги ҳужжатлари онлайн шаклда Агентликнинг расмий веб-сайти орқали қабул қилинади:

ўқувчиларнинг тегишли ўқув йили натижасига кўра баҳолар табелининг умумий ўрта таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланган нусхаси; белгиланган шаклдаги тиббий маълумотнома;

ўқувчиларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва уларнинг ота-оналари (қонуний вакили) биометрик паспорти (идентификацияловчи ID-карта) маълумотлари, боғланиш учун мобил телефон рақамлари.

Ҳужжат топшириш жараёнида ўқувчиларнинг ота-оналари (қонуний вакили) кириш имтиҳонлари шартлари ва талаблари билан танишгани тўғрисидаги онлайн офертани тасдиқлайди.

21. Ҳужжатларни белгиланган муддатларда, тўғри ва сифатли тақдим этиш бўйича масъулият ўқувчиларнинг ота-оналари (қонуний вакили) зиммасига юкланади.

22. Ўқувчиларнинг ҳужжатлари ишчи гуруҳ томонидан (24 соат ичида) кўриб чиқилгандан сўнг уларга ҳужжатлар қабул қилингани, таҳрирлашга юборилгани ёки рад этилгани тўғрисида хабар юборилади.

23. Қўйидаги ҳолларда ҳужжатлар таҳрирлашга юборилади:
ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса;

тақдим этилган ҳужжатлардаги, муҳрдаги ёзувлар ўкиб бўлмайдиган ҳолда нусхаланган бўлса.

24. Ҳужжатлар таҳрирлаш учун юборилганда, ўқувчиларга кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар тўғрилашга рухсат берилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг маълумотларни ўзгартиришга рухсат берилмайди.

25. Қўйидаги ҳолларда ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш рад этилади:

ўқувчи белгиланган муддатлардан кейин кириш имтиҳонида иштирок этиш хоҳишини билдирса;

тақдим этилган ҳужжатларнинг қалбаки эканлиги аниқланса;

ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса.

26. Ўқувчиларнинг ота-оналари (қонуний вакили) ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган аризани қайтариб олиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

27. Ҳар йил июль ойида Жасорат синфларига кириш учун жисмоний тайёргарлик ва тегишли фанлар бўйича тест синовлари ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари давлат тилида (Қорақалпоғистон Республикасида ўзбек ёки қорақалпоқ тилида) ёхуд ўқувчи таълим олган бошқа тилда ўтказилади.

28. Жисмоний тайёргарлик бўйича синовда умумий ўрта таълимнинг 4-синф учун мўлжалланган ўқув дастури доирасида ҳар бир ўқувчига 5 тадан жисмоний машқлар берилади.

Жисмоний тайёргарлик бўйича синов 50 балли тизимда Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги томонидан тасдиқланган «Жисмоний тайёргарлик даражаси» спорт синовларининг турлари ва мезонларига мувофиқ ўтказилади.

Жисмоний тайёргарлик бўйича синовларга Ҳамкор ташкилотларнинг ҳудуддаги ҳарбий қисмларидан жисмоний тайёргарлик бўйича мутахассислар жалб этилади.

29. Жисмоний тайёргарлик бўйича синовларга ўз вақтида келмаган ўқувчилар учун қўшимча синовлар ўтказилмайди.

30. Қабул комиссияси томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўқувчилар, уларнинг ота-оналари (қонуний вакили) тест синовларини ўтказиш санаси, жойи ва вақти тўғрисида огоҳлантирилади.

31. Тест синовлари ўтказиладиган фанлар бўйича имтиҳон материаллари

спецификацияси Вазирлик томонидан ҳар йил имтиҳон бошланишидан бир ой олдин эълон қилинади.

32. Тест синовлари умумий ўрта таълим муассасаларининг бошланғич синф дастурларига мувофиқ она тили ва математика фанларидан ташкил этилади.

Бунда математика фани топшириқларига мантиқий саволлар ҳам кирилади.

Тест топшириқлари китобида математика учун 30 та, она тили учун 20 та топшириқ белгиланади. Умумий 50 балли тизимда баҳоланади ҳамда ҳар бир тўғри жавоб учун 1 баллдан қўйилади.

Тест топшириқларини бажариш бўйича ҳар бир савол учун 2 дақиқа вақт берилади.

Жавоблар варақасини тўлдириш учун ўқувчиларга белгиланган вақт меъёридан ташқари қўшимча 10 дақиқа вақт ажратилади.

33. Тест синовларига ўз вақтида келмаган ўқувчилар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

34. Номзодлар кириш имтиҳони натижалари бўйича тенг балл тўплаган тақдирда, ушбу Низомнинг 28-бандига мувофиқ жисмоний тайёргарлик бўйича юқори балл тўплаган номзодга устунлик берилади.

Бунда номзодларнинг жисмоний тайёргарлик синови бўйича тўплаган баллари тенг бўлган ҳолларда жисмоний машқларда юқори натижа кўрсатган номзод ўқишга қабул қилинади.

3-боб. Кириш имтиҳонлари натижаларини эълон қилиш

35. Кириш имтиҳонларининг якуний натижалари тест синовлари ўтказилган кундан кейин йигирма иш куни ичида Вазирлик ва Агентликнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

36. Кириш имтиҳонларининг (тест ва жисмоний тайёргарлик синовлари) натижасига кўра энг юқори балл тўплаган ўқувчилар белгиланган қабул параметри доирасида баллар кетма-кетлигига қатъий амал қилган ҳолда Жасорат синфларига қабул қилинади.

37. Ўқувчилар кириш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган тақдирда, натижа эълон қилинган вақтдан бошлаб уч иш куни ичида Апелляция комиссиясига ариза билан мурожаат этишга ҳақли.

38. Кириш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган ўқувчиларнинг мурожаатлари Агентликда тегишли мутахассислардан иборат таркибда тузилган Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция комиссиясига Агентлик директори ўринбосари раислик қилади.

39. Апелляция комиссияси ўқувчиларнинг мурожаатини ўн иш куни ичида кўриб чиқади.

40. Апелляция комиссияси таркибига жисмоний тайёргарлик ва тест синовида қатнашган ходимлар киритилмайди.

41. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш;

апелляция шикоятини қаноатлантириш.

42. Апелляция комиссияси қўйидаги ҳолатларда апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилади:

апелляция шикояти апелляция бериш муддатларини бузган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда кўрсатилган важлар ва далиллар ўз тасдиғини топмаса.

43. Ўқувчи томонидан апелляция шикоятида келтирилган важлар ва далиллар ўз тасдиғини топган тақдирда, жисмоний тайёргарлик ва (ёки) тест синовлари натижасида ўқувчининг тўплаган балларини ўзгартириш тўғрисида Апелляция комиссияси томонидан қарор қабул қилинади.

44. Ўқувчи ва унинг ота-онаси (қонуний вакили) Апелляция комиссиясининг қароридан норози бўлган тақдирда, юқори турувчи органга ёки судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

45. Кириш имтиҳонлари натижалари бўйича энг юқори балл тўплаган ўқувчилар янги ўқув йили бошлангунга қадар қатъий кетма-кетликда умумий ўрта таълим муассасаси директорининг тегишли буйруғи билан Жасорат синфларига қабул қилинади.

46. Жасорат синфларига ўқувчилар қабули натижалари бўйича маълумотлар Вазирлик томонидан ҳар йил 10 сентябрга қадар умумлаштирилиб, Жасорат синфлари бириктирилган Ҳамкор ташкилотларга маълумот учун тақдим этилади.

47. Жасорат синфларида таълим олаётган ўқувчиларнинг бошқа (оддий) синфга ёки бошқа умумий ўрта таълим муассасасига ўқиши Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги 295-сон қарори билан тасдиқланган Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш ҳамда ўқувчиларни бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентида белгиланган тартибда кўчирилади.

48. Жасорат синфлари ташкил этилган умумий ўрта таълим муассасаларида бўшаб қолган ўринларга, кириш имтиҳонларида иштирок этиб, белгиланган йиллик қабул параметри доирасидан келиб чиқиб қабул қилинмай қолган ўқувчилар баллар қатъий кетма-кетлигида қабул қилинади.

Агар ўқувчининг ота-онаси (қонуний вакили)дан рад жавоби олинса, баллар рейтинги бўйича навбатдаги юқори балл тўплаган ўқувчи чақириб олинади.

Ушбу бандда белгиланган талаблар фақатгина Жасорат синфлари ташкил этилган умумий ўрта таълим муассасаларининг 5-синф ўқувчилари учун жорий ўқув йилининг биринчи ярим йиллигида татбиқ этилади.

4-боб. Жасорат синфларида ўқув-тарбия жараёни

1-§. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш

49. Жасорат синфларида умумий ўрта таълим фанлари соатларини мақбуллаштириш ҳисобидан математика, физика, тарих, чет тили, чақирувга

қадар бошланғич тайёргарлик (кейинги ўринларда — ЧҚБТ) ва жисмоний тарбия фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади.

ЧҚБТ фани ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан келишилган ҳолда, математика, тарих, жисмоний тарбия, чет тили ҳамда физика фанлари ўқув дастурлари эса Вазирлик томонидан тасдиқланади.

50. Жасорат синфларида ўқиш муддати етти йил бўлиб, таълим 5 — 11-синфларда олиб борилади.

51. Жасорат синфларида ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар ўтказишда турли замонавий шакллар ва усуллардан, шу жумладан, ўқитилаётган фанлар бўйича факультатив ва тўғарак машғулотлари ҳамда ўқувчиларни Ватанга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш тадбирларидан фойдаланилади.

52. Жасорат синфлари ўқувчилари учун ўқиш, дам олиш ва турли тадбирларни қўшиб олиб боришга қаратилган кун тартиби тузилади.

53. Жасорат синфларининг 9-синфини якунлаган ўқувчиларга таянч ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома, 11-синфини тамомлаган ўқувчиларга умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома берилади.

54. Жасорат синфларини якунлаганлик тўғрисидаги шаҳодатнома бошқа таълим муассасаларига киришда қўшимча имтиёз бермайди.

55. Жасорат синфларини аъло баҳолар билан тамомлаган, ҳар бир «Ватан таянчи» отрядининг аъзоси бўлган бир нафар ўқувчига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган танлаб олиш тартибига мувофиқ олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган ҳамда юридик таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсиянома берилади.

56. Жасорат синфларида ўқув жараёни Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомга мувофиқ ташкил этилади.

2-§. Ўқув-тарбия жараёни иштирокчилари

57. Жасорат синфларидаги ўқув-тарбия жараёни иштирокчиларига ўқувчилар, уларнинг ота-оналари (қонуний вакили), педагог ходимлар ва уларнинг вакиллари киради.

58. Олий маълумотли, таълим муассасалари ўқитувчиларига қўйиладиган малака талабларига жавоб берувчи шахслар Жасорат синфларида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жасорат синфларидаги ЧҚБТ раҳбари лавозимига фуқаролар Умумий ўрта таълим муассасалари чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари лавозимига номзодларни саралаш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ишга қабул қилинади ҳамда уларнинг фаолияти ташкил этилади.

59. Жасорат синфларида дарс берадиган педагог кадрлар малакаси Ўзбекистон Республикасининг «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ оширилади ва улар аттестациядан ўтказилади.

60. Жасорат синфлари мавжуд умумий ўрта таълим муассасалари ходим-

лари меҳнатига Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига мувофиқ ҳақ тўланади.

61. Жасорат синфларига бириктириладиган ЧҚБТ раҳбарларига мактаб ўқитувчисининг базавий тариф ставкаси билан бирга туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари фуқаро ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, устама ҳақ, қўшимча тўлов, рағбатлантириш ва моддий ёрдам кўрсатиш шартлари ҳам татбиқ этилади.

Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарияти Жасорат синфлари ўқувчиларининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ўқиш ва дам олиш шартларига риоя этиши учун жавоб беради.

62. Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарияти Жасорат синфлари фаолиятини назорат қилади, ўқувчиларга сифатли таълим ва тарбия берилиши, ўқув режа ҳамда дастурларининг бажарилиши, Жасорат синфларининг ўқув-методик жиҳатдан сифатли таъминланиши учун жавоб беради.

63. Қуйидагилар Вазирликнинг Жасорат синфлари фаолиятини ташкил этишга доир вазифалари ҳисобланади:

вазирлик ва идоралар билан биргаликда Жасорат синфларига ўқувчиларни қабул қилишни ташкил этиш;

педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш;

ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълим дастурлари ҳамда ўқув-тарбия жараёнига самарали жорий этиш бўйича амалий илмий-методик ёрдам кўрсатиш;

ўқув, ўқув-методик адабиётлар ва кўрғазмали қўлланмалар ишлаб чиқиш ҳамда Жасорат синфларига электрон кўринишда етказиш;

ўқувчиларни жасорат, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбиялашни таъминлайдиган комплекс маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Жасорат синфлари ўқувчиларини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда касбга йўналтириш;

ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоқадор бўлган вазирлик ва идоралар билан ўзаро самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этиш ва назорат қилиш;

Жасорат синфлари мавжуд умумий ўрта таълим муассасаларини зарур ҳолларда ўқитишнинг замонавий техник воситалари, компьютер техникаси ва тегишли ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

Жасорат синфлари мавжуд умумий ўрта таълим муассасаларининг маъмурий, молиявий ва хўжалик фаолиятини, шунингдек, моддий-техник таъминотидан самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

Жасорат синфлари ўқувчиларининг робототехника, келажак ўйинлари, тиббий тайёргарлик, ҳуқуқий саводхонлик, миллий спорт ўйинлари каби тўғаракларга қатнашишлари ҳамда ҳарбий полигонларда амалий отиш машқларини бажаришлари ва давлат музейларига ташриф буюришларини ташкил этиш;

якуний давлат аттестациясини ташкил этиш ва Жасорат синфлари битирувчиларига шаходатнома бериш.

64. Қуйидагилар Ҳамкор ташкилотларнинг Жасорат синфлари фаолиятини ташкил этишга доир вазифалари ҳисобланади:

жисмоний тайёргарлик ва тест синовлари ташкил этиладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўриш;

Жасорат синфларида ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этишда, ҳарбий мавзудаги илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълим дастурларига ва ўқув жараёнига жорий этишда амалий методик ёрдам кўрсатиш;

чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани дастурига мувофиқ Жасорат синфларини ўқув қурол-аслаҳа ва воситалари, ҳарбий мавзудаги ўқув ва кўргазмали қўлланмалар билан таъминлаш;

Жасорат синфлари ўқувчилари билан тегишли ҳарбий қисм ва муассасаларнинг базасида ўқ отиш, махсус тайёргарлик фанлари бўйича (шу жумладан, дала шароитларида ҳам) амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш;

Жасорат синфлари мавжуд умумий ўрта таълим муассасаларида ҳарбий-спорт турлари бўйича тармоқ тўғарақлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда улар бўйича мусобақа ва кўрик-танловларни ташкил этиш;

тегишли ҳарбий таълим муассасаларини ўз фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда, Жасорат синфларига услубий ёрдам кўрсатувчи муассаса сифатида бириктириш тизимини жорий этиш;

ўқув йили давомида ҳарбий полигонларда камида икки марта, ҳар чоракда бир марта ҳарбий қисмларнинг ўқув-моддий базасида амалий машғулотлар ўтказиш;

Вазирлик билан биргаликда идоралараро гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган ЧҚБТ фани ўқув дастури самарадорлигини мониторинг қилиш;

Жасорат синфларига ўқувчиларни қабул қилиш, битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси жараёнларида қатнашиш.

65. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жасорат синфлари фаолиятини ташкил этишга доир вазифалари ҳисобланади:

жисмоний тайёргарлик синовларини топширишда иштирок этадиган ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишда (тегишли шаклдаги тиббий маълумотнома) яқиндан ёрдам бериш;

тест ва жисмоний тайёргарлик синовлари ўтказиладиган жойларнинг санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мос бўлишини таъминлаш ҳамда тез тиббий ёрдам бригадалари навбатчилигини ташкил этиш.

5-боб. Якунловчи қоидалар

66. Жасорат синфлари мавжуд умумий ўрта таълим муассасаларининг фаолияти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ молиялаштирилади.

67. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

68. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 3 ноябрдаги 688-сон қарорига
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 августдаги 500-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети-га номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 25-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «профессионал» сўзи «касбий» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 26-банддаги «профессионал» ва «ўқитувчиларини» сўзлари тегишлича «касбий» ва «раҳбарларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 27-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ўқитувчилари» сўзи «раҳбарлари» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 70-банддаги «профессионал» сўзи «касбий» сўзи билан алмаштирилсин;

д) 1-илованинг «2-босқич» позицияси «Ўтказиладиган тадбирлар (ўтказиш жойи)» устуниди:

1-банддаги «ўқитувчиларини» ва «профессионал» сўзлари тегишлича «раҳбарларини» ва «касбий» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «ўқитувчилари» сўзи «раҳбарлари» сўзи билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 декабрдаги 775-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга номзодларни саралаб олиш ва қабул қилиш, курсантларни ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 24-банддаги «ёшларни чақириққача тайёрлаш ўқитувчиларини» сўзлари «чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбарларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 25-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ёшларни чақириққача тайёрлаш ўқитувчилари» сўзлари «чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 30-бандда:

биринчи хатбошидаги «фани раҳбарлари ва ўқитувчилари» сўзлари «раҳбарлари» сўзи билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «таълим муассасаларининг ёшларни чақириққача

тайёрлаш» сўзлари «таълим муассасаларидаги чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «таълим муассасаларининг ёшларни чакириққача тайёрлаш ўқитувчиларига» сўзлари «таълим муассасаларидаги чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбарларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «бошланғич профессионал» сўзлари «касбий» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 37-банднинг еттинчи хатбошисидаги «ёшларни чакириққача тайёрлашда» сўзлари «чакирувга қадар бошланғич тайёргарликда» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 57-банддаги «профессионал» сўзи «касбий» сўзи билан алмаштирилсин;

е) 1-илованинг «3-босқич» позициясида:

«Субъектлар» устунисидаги «фани раҳбарлари ва ўқитувчилари» сўзлари «раҳбарлари» сўзи билан алмаштирилсин;

«Тадбирлар» устунисидаги «фани (ЧҚБТ) ўқитувчиларини» ва «ЧҚБТ ўқитувчилари» сўзлари тегишлича «(ЧҚБТ) раҳбарларини» ва «ЧҚБТ раҳбарлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чакирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2023 йил 8 ноябрдаги 591-сон қарорида:

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги «2024 йил 15 январдан чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиларига» сўзлари «чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбарларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги «фани ўқитувчилари» сўзлари «раҳбарлари» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

1 ва 2-бандлардаги «бошланғич профессионал» сўзлари «касбий» сўзи билан алмаштирилсин;

5-банднинг учинчи хатбошисидаги «умумҳарбий низомлари» сўзлари «ҳарбий низомлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«масъул органларнинг ЧҚБТни ташкил этиш ва режалаштиришга оид фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги ЧҚБТ раҳбарлари фаолиятини ташкил этади»;

тўртинчи хатбошидаги «умумҳарбий низомлари» сўзлари «ҳарбий низомлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги «фани ўқитувчилари» сўзлари «раҳбарлари» сўзи билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «бошланғич профессионал» сўзлари «касбий» сўзи билан алмаштирилсин;

10-бандда:

саккизинчи хатбошидаги «ўқитувчилар» сўзи «ЧҚБТ раҳбарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи — ўн бешинчи хатбошилардаги тегишли сон ва келишиқдаги «ЧҚБТ фани ўқитувчиси» сўзлари тегишли сон ва келишиқдаги «ЧҚБТ раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг тўртинчи хатбошиси, 13-банднинг тўртинчи хатбошиси, 4 ва 5-бобларнинг номи, 30-банд, 31-банднинг биринчи — учинчи хатбошилари, 33 ва 34-бандлар, 35-банднинг бешинчи — еттинчи хатбошилари, 36-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 7-бобнинг номи, 38-банд ҳамда 39-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги тегишли сон ва келишиқдаги «ЧҚБТ фани ўқитувчиси» сўзлари тегишли сон ва келишиқдаги «ЧҚБТ раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ҳарбий полигонлардаги бир кунлик амалий машғулотларга битирувчи синф ва курслардаги қизлар ўз хоҳишига кўра жалб этилиши мумкин»;

21-банддаги «кўчмас» сўзи чиқариб ташлансин;

28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. ЧҚБТ раҳбари туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими тавсиясига кўра таълим муассасаси директори томонидан ишга қабул қилинади ва ишдан бўшатилади, Қуролли Кучлар таркибига кирадиган вазирлик ва идоралар тизимидаги таълим муассасалари бундан мустасно. Ишга қабул қилинаётган номзоднинг маълумоти, ҳарбий, жисмоний ва педагогик тайёргарлигининг савияси, шунингдек, ташкилотчилик қобилияти ҳамда услубий кўникмалари пухта шакллангани ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги ЧҚБТ раҳбари лавозимлари қонунчиликда белгиланган тартибда тўлдирилади.

ЧҚБТ раҳбари лавозимига олий таълим муассасалари ҳарбий таълим факультетларининг «Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналишини тамомлаган ёки Қуролли Кучлар резервидаги олий маълумотга эга бўлган оддий аскарлар, сержантлар, шунингдек, офицерлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланади, Ўзбекистон Республикасининг «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиш тақиқланган шахслар, давлат сирларидан фойдаланишга доир рухсатномадан маҳрум қилинган ёки ҳарбий хизматчи номига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар содир этгани натижасида ҳарбий хизматдан бўшатирилганлар бундан мустасно»;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. ЧҚБТ раҳбарлари ҳар беш йилда камида бир марта малака ошириш курсларига жалб этилади. Илгари малака оширишдан ўтмаган ва ишга янги қабул қилинган ЧҚБТ раҳбарларига ёки биринчи бор ишга кирган ЧҚБТ раҳбарлари касбий фаолиятига уч йил тўлгандан сўнг малака оширишга жалб этилади»;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Малакавий аттестация хулосасига кўра малака тоифаси берилган ЧҚБТ раҳбарларининг базавий лавозим маошлари Ўзбекистон Республика-

си Мудофаа вазирлиги тизимида — умумтаълим муассасасининг мос келувчи малака тоифасига эга бўлган фан ўқитувчиларининг, ўрта махсус ҳамда касбий таълим муассасаларида — тегишлича катта (етакчи, бош) ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошларига тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги ЧҚБТ раҳбарларига қонунчиликка мувофиқ туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари фуқаро ходимлари учун белгиланган иш стажи учун фоизли устама ҳамда моддий рағбатлантириш махсус фондидан рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади»;

Низомга 2-иловада:

номидаги «касб-ҳунар мактабларида» сўзлари «техникумларда» сўзи билан алмаштирилсин;

«Таълим муассасалари» устунидаги «Касб-ҳунар мактаби» сўзлари «Техникум» сўзи билан алмаштирилсин;

Низомга 3-иловада:

номидаги «касб-ҳунар мактабларида» ва «фани ўқитувчилари» сўзлари тегишлича «техникумларда» ва «раҳбарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Таълим муассасалари номланиши» устунидаги «Касб-ҳунар мактаби» сўзлари «Техникум» сўзи билан алмаштирилсин;

«ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчилари» устунидаги «ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчилари» ва «ЧҚБТ фани ўқитувчиси» сўзлари тегишлича «ЧҚБТ раҳбарлари» ва «ЧҚБТ раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 4-иловада:

номидаги «фани ўқитувчиси» сўзлари «раҳбари» сўзи билан алмаштирилсин;

«ЧҚБТ фани ўқитилаётган таълим муассасалари» устунидаги «Касб-ҳунар мактаби» сўзлари «Техникум» сўзи билан алмаштирилсин;

д) 2-илованинг «Таълим муассасалари номланиши» устунидаги «Касб-ҳунар мактаби» сўзлари «Техникум» сўзи билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 3 ноябрдаги 688-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим мактабларида ҳарбий-ватанпарварлик синфлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 апрелдаги 237-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 6 августдаги 500-сон қарорига 2-илованинг 4-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 821-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактаблар тармоғи кенгайтирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 апрелдаги 237-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2023 йил 23 февралдаги 75-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

685 Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ–330-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ–330-сон қарорига мувофиқ давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш белгиланган маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

беморларни тиббиёт ташкилотларига қабул қилиш тартиби;

беморларни тиббиёт ташкилотларига йўллашда тиббий йўллангани шакллантириш;

беморларни бир тиббиёт ташкилотидан иккинчисига ўтказиш ҳамда беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарор 2026 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.А. Худаяров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 4 ноябрь,
694-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 4 ноябрдаги 694-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий
ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларига Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш учун беморларни йўллаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

имтиёзли тоифага кирувчи шахс (кейинги ўринларда — имтиёзли бемор) — ижтимоий мақоми ёки айрим касалликларнинг мавжудлиги муносабати билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган, ушбу Низомга мувофиқ тиббий ёрдам кўрсатиладиган шахс;

йўлланма — беморнинг хоҳишига кўра муайян касаллиги бўйича давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларида режали стационар даволаниш имконини берувчи матрицали штрих код (QR-код)га эга бўлган ҳужжат;

йўлланма қиймати — тиббий хизматларнинг йўлланмада қайд этилган ва кўрсатиладиган тиббий хизматнинг базавий нархига тенг қиймати;

мблағларнинг умумий қиймати (кейинги ўринларда — умумий қиймат) — Давлат бюджетидан Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) мақсадли ажратилган маблағларнинг умумий қиймати бўлиб, чораклик ва йиллик тақсимланади;

идоровий тиббиёт муассасаси — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги идоровий тиббиёт муассасалари;

тиббий-танлов комиссияси (кейинги ўринларда — ТТК) — касалликлар рўйхатига мувофиқ беморни шифохонага ётқизиш ҳулосасини берувчи йўналишлар бўйича ҳудудий ва республика даражасида ташкил этиладиган мутахассислардан иборат комиссия;

тиббиёт ташкилоти — Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартнома тузган давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари;

ташхислаш йўлланмаси — ТТК ҳулосаси учун амалдаги клиник протоколлар ҳамда ташхислаш ва даволаш стандартларига мувофиқ туман (шаҳар) даражасидаги тиббиёт муассасасининг моддий-техник базаси ва кадрлар таъминотидан келиб чиқиб, ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) даражасидаги давлат тиббиёт ташкилотларида имтиёзли беморларда ўтказиладиган тиббий текширувлар учун берилладиган ҳужжат;

электрон ахборот тизими — тиббиёт ташкилотларида беморларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатиш учун ҳисобга олиш, навбатга қўйиш ва даволашга йўналтириш имконини берувчи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот тизими.

4. ТТКнинг фаолият юритиш тартиби, тиббий хизмат турлари, ҳажми, шунингдек, клиник протоколлар ҳамда ташхислаш ва даволаш стандартлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

5. Имтиёзли беморларни тиббиёт ташкилотларига электрон ахборот тизимида тасдиқланадиган йўлланмалар асосида йўналтирилади. Бунда:

бемор йўлланма асосида тиббий хизмат кўрсатиш учун тиббиёт ташкилотини ўз хоҳишига кўра эркин танлайди;

тиббиёт ташкилоти ва Жамғарма ўртасида тузилган шартномада тиббиёт ташкилотининг тиббий хизмат кўрсатиши мумкин бўлган (туман (шаҳар), ҳудудий, республика) даражаси аниқ кўрсатилади;

туман (шаҳар) даражасида тиббий хизмат кўрсатиладиган беморларга ҳудудий ва республика даражасидаги тиббиёт ташкилотларида ҳамда ҳудудий даражада тиббий ёрдам кўрсатиладиган беморларга республика даражасидаги тиббиёт ташкилотларида давлат ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатишига йўл қўйилмайди (шошилич ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно).

6. Бемор тиббий ёрдам олиш учун тегишли йўлланмасиз тиббиёт ташкилотига бевосита мурожаат этса, тиббий ёрдам пулли асосда кўрсатилади (шошилич ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно).

Тиббий ҳужжатларнинг шакли, уларни тўлдириш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

2-боб. Беморларни тиббиёт ташкилотларига йўналтириш тартиби

7. Тиббиёт ташкилотларида йўлланма асосида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам (пулли хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, бўлим ва ўринлар бундан мустасно):

туман (шаҳар) ва ҳудудий даражаларда — аҳолининг барча тоифаларига, 2026 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ–311-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган аҳоли тоифаларига;

республика даражасида — имтиёзли беморларга кўрсатилади.

8. Имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тиббиёт ташкилотларига электрон ахборот тизими орқали мазкур Низомга иловага* мувофиқ схема асосида йўналтирилади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам олиш учун электрон ахборот тизими орқали қуйидаги тартибда йўналтирилади:

а) беморлар тиббий ёрдам олиш учун ўзи бириктирилган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасига (идоравий тиббиёт муассасаси контингенти ўзи бириктирилган муассасасига) мурожаат қилади ва бириктирилган оилавий шифокор (шифокор) томонидан тиббий кўриқдан ўтказилади ҳамда бир иш кунида туман (шаҳар) даражасидаги тиббиёт муассасасининг ёки идоравий тиббиёт муассасасининг тор соҳа мутахассиси (кейинги ўринларда — тор соҳа мутахассиси) кўригига йўналтирилади;

б) тор соҳа мутахассиси томонидан беморлар бир иш кунида амалдаги клиник протоколлар ҳамда ташхислаш ва даволаш стандартларига мувофиқ тиббий кўриқдан ўтказилади;

в) беморларга режали стационар шароитда тиббий ёрдам кўрсатилишига кўрсатма бўлмаса, уларга амбулатор шароитда даволаниши учун тавсия берилади ва бириктирилган оилавий шифокорга (шифокорга) қайта йўналтирилади;

г) беморларга стационар шароитда тиббий ёрдам олишга кўрсатма бўлганда, тор соҳа мутахассиси ёки оилавий шифокор (идоравий тиббиёт муассасаси шифокори) томонидан туман (шаҳар) даражасидаги тиббиёт муассасида режали стационар тиббий ёрдам олиш учун электрон ахборот тизими орқали йўлланма берилади. Бунда беморлар:

давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий қилинган ҳудудларда уларнинг хоҳишига кўра ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, тиббий суғурта механизмлари жорий этилган барча тиббиёт муассасаларига (Тошкент шаҳрида шаҳар даражасидаги тиббиёт муассасаларига);

давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий қилинмаган ҳудудларда доимий ёки вақтинча яшаш (турар) жойи бўйича туман (шаҳар) даражасидаги стационар хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасасига йўналтирилади;

идоравий тиббиёт муассасалари контингенти ўзлари бириктирилган тиббиёт муассасасига йўналтирилади. Бунда идоравий тиббиёт муассасалари томонидан зарур тиббий хизматларни кўрсатиш имкони бўлмаган тақдирда, идоравий тиббиёт муассасаларига бириктирилган контингент ўз хоҳишига кўра ҳудуд ёки республика даражасидаги тиббиёт муассасаларига, шунингдек, нодавлат тиббиёт ташкилотларига йўналтирилиши мумкин;

д) беморнинг ҳолати, ташхиси ва тасдиқланган касалликлар рўйхатига мувофиқ уларга тиббий ёрдам ҳудуд ёки республика даражасидаги тиббиёт ташкилотларида кўрсатилиши лозим бўлганда тор соҳа мутахассиси бир иш кунида электрон ахборот тизими орқали ҳудудий даражада йўналиш бўйича ташкил қилинган ТТКларга йўлланмани тасдиқлаш учун сўровнома юборади. Бунда:

беморда имтиёз тоифасининг мавжудлиги, шунингдек, чет давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилган электрон ахборот тизимида автоматик равишда тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларини интеграция қилиш асосида аниқланади;

имтиёз тоифаси мавжуд бўлмаган беморларга ҳудуд ёки республика даражасидаги тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаниш учун йўлланма берилмайди;

е) беморнинг маълумотлари бир иш кунда ҳудудий даражада йўналиш бўйича ТТКлар томонидан ўрганилиб, текширув ва кўрик натижалари таҳлил қилинади ва тасдиқланган касалликлар рўйхатига мувофиқ бемор ҳудудий даражадаги тиббиёт ташкилотида стационар даволаниши белгиланса, йўлланма тасдиқланади;

ж) ҳудудий даражадаги ТТКлар томонидан тасдиқланган касалликлар рўйхатига мувофиқ бемор республика даражасидаги тиббиёт ташкилотида стационар даволаниши зарур деб топилса, бемор маълумотлари бир иш кунда йўналишлар бўйича республика даражасидаги ТТКга йўналтирилади. Бунда ҳудудий даражадаги ТТК томонидан заруратга кўра бир иш кунда беморга қўшимча текширув ва (ёки) тор соҳа мутахассиси кўриги белгиланиши мумкин;

з) бемор маълумотлари республика даражасидаги йўналиш бўйича ТТКлар томонидан ўрганилади ва натижаси бўйича икки иш кунда электрон ахборот тизими орқали хулоса берилади. Бунда:

беморга заруратга кўра қўшимча текширув ва (ёки) тор соҳа мутахассиси кўриги белгиланса, текширув ва (ёки) мутахассис хулосаси олингандан сўнг икки иш кунда якуний хулоса берилади;

беморларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан режали стационар тиббий хизмат кўрсатиш лозим бўлган тиббиёт ташкилоти даражаси тасдиқланади ҳамда маълумот электрон ахборот тизими орқали беморнинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги (кейинги ўринларда — ЯИДХП) шахсий кабинетига ҳамда у бириктирилган бирламчи тиббий-санитария муассасаси ёки идоравий тиббиёт муассасасига юборилади;

и) беморларга тегишли бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари (туман (шаҳар) марказий шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлими) ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинети (ёхуд мобил илова) орқали йўлланмани расмийлаштириш жараёнини кузатиш ҳамда тиббиёт ташкилотини эркин танлаш имконияти берилади.

Бунда бемор (унинг қонуний вакили) 30 кун давомида тегишли бирламчи тиббий-санитария муассасалари (туман (шаҳар) марказий шифохонасининг маслаҳат-диагностика бўлими) ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинети (ёхуд мобил илова) орқали Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартнома тузган тиббиёт ташкилотлари рўйхатидан ташхисига мос равишда давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотини танлайди;

к) бемор (унинг қонуний вакили) томонидан тиббиёт ташкилоти танлангандан сўнг ушбу тиббиёт ташкилотида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаниш учун йўлланма расмийлаштирилади;

л) йўлланма асосида режали стационар тиббий хизмат олиш учун навбатда турган беморлар қабул қилувчи тиббиёт ташкилоти томонидан уларнинг шифохонага келиш шарт-шароитлари тўғрисида хабардор қилинади;

м) режали стационар тиббий хизмат олиш учун навбатда турган бемор-

ларга шакллантирилган йўлланма қабул қилувчи тиббиёт ташкилоти томонидан электрон ахборот тизими орқали беморни шифохонага ётиш учун таклиф қилинган кундан бошлаб 60 кун давомида амал қилади;

н) бемор томонидан даволаниш учун тиббиёт ташкилоти танланаётганда шакллантирилган йўлланма қиймати электрон ахборот тизимида автоматик равишда аниқланади ва Давлат бюджетидан Жамғармага мақсадли ажратилган маблағларнинг чораклик (йиллик) ҳажми қолдиғи билан солиштирилади.

Бунда:

маблағлар қолдиғи йўлланма қийматидан кўп бўлган тақдирда, йўлланма тасдиқланади ва мазкур қолдиқ йўлланма қийматига тенг қийматга автоматик равишда камайтиради;

маблағлар қолдиғи йўлланма қийматидан кам бўлган тақдирда, йўлланмани тасдиқлаш шаклланган электрон навбат асосида кейинги чоракка (йилга) қолдирилади;

Давлат бюджетидан Жамғармага мақсадли ажратилган маблағлар қолдиғи кейинги чоракда қўшиб инобатга олинади;

о) Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларнинг аъзолари, ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оилаларнинг аъзолари ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тегишли «Саховат ва кўмак», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» жамғармалари ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан даволаш учун электрон ахборот тизимида йўлланма тасдиқлашда беморнинг яшаш жойи бўйича «махалла еттилиги»нинг коллегиял қарори мавжудлиги текширилади ва электрон ахборот тизимида илова қилинади;

п) Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларнинг аъзолари ҳамда ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оилаларнинг аъзоларини даволаш:

Жамғарма билан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрсатилган тиббий ёрдам харажатларини қоплаш бўйича шартномаси мавжуд тиббиёт ташкилоти томонидан йўлланма асосида амалга оширилади;

туман (шаҳар) даражасидаги ёки ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилмаган бошқа тиббиёт ташкилотларида амалга оширилган тақдирда, «Саховат ва кўмак», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» жамғармалари ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан Жамғарма орқали молиялаштирилмайди.

10. Беморларни нодавлат тиббиёт ташкилотларига стационар тиббий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар даражаси бўйича белгиланган касалликлар рўйхатига мувофиқ тегишли ТТК хулосасисиз тўғридан-тўғри йўллашга йўл қўйилмайди. Бунда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатига мувофиқлиги тасдиқлангандан сўнг беморлар танловига кўра уларни электрон ахборот тизими орқали нодавлат тиббиёт ташкилотларида даволаш учун йўлланма расмийлаштирилади.

11. Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларнинг аъзолари ҳамда

ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оилаларнинг аъзолари томонидан даволаниш учун тиббиёт ташкилоти танланганда, мазкур тоифадаги шахсларни даволаш учун танланган тиббиёт ташкилотига навбат электрон ахборот тизимида алоҳида юритилади.

12. Тегишли ТТК хулосаси учун қўшимча текширув, мутахассис кўриги, тиббий ҳужжатларга қўшимча ёки аниқликлар киритиш зарурати бўлган ҳолларда, икки иш кунида бемор иштирокида ёки иштирокисиз телетиббиёт орқали боғланиш ташкил қилиниши мумкин.

ТТК хулосаси учун амалдаги клиник протоколлар ҳамда ташхислаш ва даволаш стандартларига мувофиқ зарур тиббий текширувлар ташхислаш йўлланмаси асосида ҳудуд даражасидаги давлат тиббиёт ташкилотларида уларга Давлат бюджетидан тиббий хизматлар хариди учун ажратилган маблағлар доирасида ўтказилади.

Бунда ТТК электрон ахборот тизимида ташхислаш йўлланмасини асослантирилган ҳолда шакллантиради ва беморга тақдим этилишини таъминлайди ҳамда кўрсатилган тиббий текширувлар учун бемордан қўшимча тўлов олинмайди.

13. Йўлланма расмийлаштирилган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш якуни бўйича чиқарув эпикриздан кўчирма электрон ахборот тизими орқали тегишли туман (шаҳар) даражасидаги тиббиёт ташкилотига, бемор бириктирилган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси ёки идоравий тиббиёт муассасасига ҳамда беморнинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборилиши шарт.

14. Беморлар тиббиёт ташкилотларига қабул бўлими (рўйхатга олиш бўлими) орқали қабул қилинади. Бунда беморлар ташкилотнинг иш тартиби, тиббий хизматлар рўйхати, тиббий хизматни кўрсатиш ва олиш шарт-шароитлари, шифокорлар малакаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи бепул, тушунарли ва ишончли ахборот билан таъминланиши шарт.

Тиббиёт ташкилотида беморларни йўлланма асосида қабул қилишда, мазкур йўлланмага мувофиқ кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳажми доирасида ташхислаш, даволаш ва реабилитация жараёнида беморларга пулли асосда тиббий хизматлар кўрсатилиши ҳамда дори воситалари, тиббий буюмлар ва сарфлаш материалларининг ишлатилишига ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан олиб келинишига йўл қўйилмайди.

15. Тиббиёт ходимлари тиббий ёрдам кўрсатишдан олдин беморга ёки унинг қонуний вакилига бемор соғлигининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан, текшириш натижалари, мавжуд касаллиги ва уни даволаш усуллари, даволаш билан боғлиқ хавф-хатар, тиббий аралашувнинг эҳтимолий турлари ва оқибатлари, амалга оширилган даволашнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Беморларнинг талаби бўйича уларга тиббий ҳужжатлардан уларнинг саломатлиги ҳолатини акс эттирувчи кўчирма бепул тақдим этилади. Бунда беморларга тиббий ҳужжатларнинг асл нусхаларини бериш тақиқланади.

16. Беморларда тиббиёт ташкилотига ётиш учун расмийлаштирилган йўлланмада кўрсатилган ташхисдан бошқа касаллик ёки ҳолатлар аниқланганда:

беморни қабул қилган тиббиёт ташкилотида беморни даволаш имконияти мавжуд бўлганда, беморга шу тиббиёт ташкилотининг ўзида тиббий ёрдам кўрсатилиши мумкин. Бунда:

мазкур тиббий хизматлар янги аниқланган бошқа касаллик ёки ҳолатлар учун тасдиқланган базавий нархлар доирасида қоплаб берилади;

ушбу аниқланган касаллик ёки ҳолатлар тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббиёт ташкилоти томонидан беморни даволаш учун қабул қилишга асос бўлган йўлланмадаги ташхисни электрон ахборот тизимида ўзгартирилишига рухсат берилади ҳамда мазкур ҳолатларнинг асослангани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан назорат қилинади;

йўлланмадаги ўзгартирилган ташхис асосида умумий қийматга электрон ахборот тизимида тегишли ўзгартиришлар киритилади;

беморни бирламчи қабул қилган тиббиёт ташкилотида даволаш имконияти мавжуд бўлмаганда, беморни бошқа тиббиёт ташкилотига ўтказиш учун имтиёзли йўлланма беморни бирламчи қабул қилган тиббиёт ташкилоти томонидан расмийлаштирилиб, бошқа тиббиёт ташкилотига навбатсиз ўтказилади.

17. Республика даражасидаги психиатрия муассасаларида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган, руҳий ҳолати бузилган шахсларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати туғилганда, улар психиатрия муассасалари томонидан йўлланма асосида тўғридан-тўғри тегишли республика даражасидаги тиббиёт ташкилотларига йўналтирилади.

18. Юқумли касалликлар аниқланган беморлар йўналиш бўйича ҳудудий даражадаги тиббиёт ташкилотининг тегишли электрон йўлланмаси билан квота асосида республика даражасидаги юқумли касалликлар шифохонасига йўналтирилади.

Сурункали юқумли касалликлари мавжуд бўлган беморлар режали равишда ҳудудий муассасанинг тегишли электрон йўлланмаси билан республика даражасидаги юқумли касалликлар шифохонасига йўналтирилади (шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган эпидемиологик ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно).

3-боб. Яқунловчи қоидалар

19. ТТК раиси йўлланмаларнинг тўғри ва белгиланган муддатларда шакллантирилишига, тиббиёт ташкилоти раҳбарлари беморларга тиббий ёрдам кўрсатилишида клиник протоколлар ҳамда ташхислаш ва даволаш стандартларига қатъий риоя қилинишига жавобгар ҳисобланади.

20. Бемор маълумотларининг ТТК томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши, йўлланмаларнинг асосланган ҳолда тасдиқланиши, кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш, шунингдек, тасдиқланган клиник протоколлар ҳамда ташхислаш ва даволаш стандартларига мувофиқлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда идоравий тиббиёт муассасаларининг юқори турувчи ташкилотлари томонидан, ажратил-

ган маблағлар самарадорлиги ва натижадорлигини назорат қилиш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинади.

21. Ушбу Низом қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 4 ноябрдаги 694-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 5 сентябрдаги 696-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 430-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI****686 Banklar tomonidan qimmatbaho metallar bilan operatsiyalarni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
3-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3698*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. “Banklar tomonidan qimmatbaho metallar bilan operatsiyalarni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizom” ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 14-oktabr,
25/6-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 3-noyabrda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
14-oktabrdagi 25/6-son qaroriga
ILOVA

Banklar tomonidan qimmatbaho metallar bilan operatsiyalarni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi NIZOM

Mazkur Nizom banklar, shu jumladan mikromoliya banklari (bundan buyon matnda banklar deb yuritiladi) tomonidan qimmatbaho metallar bilan operatsiyalarni amalga oshirish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

o‘lchovli oltin quymalar — O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) tomonidan muomalaga chiqarilgan hamda O‘zDSt 1174:2020 “O‘lchovli oltin quymalar. Texnikaviy shartlar” talablariga mos keladigan o‘lchovli quymalar;

mijoz — o‘lchovli oltin quymalarni bankning mobil ilovasi orqali sotib olish va qaytarib sotish hamda qimmatbaho metallarni elektron (jismoniy bo‘lmagan) ko‘rinishda sotib olish va qaytarib sotishni amalga oshiruvchi jismoniy va yuridik shaxslar;

metall hisobvarag‘i — banklar tomonidan mijozlarga qimmatbaho metallar bilan operatsiyalarni amalga oshirish va ularning hisobini yuritish uchun ochiladigan hisobvaraqlar;

qimmatbaho metallarning egasizlantirilgan (jismoniy bo‘lmagan) hisobvarag‘i — banklar tomonidan qimmatbaho metallarni elektron ko‘rinishda, alohida belgilarisiz (seriya raqami, ishlab chiqaruvchisi, asillik darajasi) hisobini yuritish va boshqa operatsiyalarni amalga oshirish maqsadida ochiladigan metall hisobvaraqlar.

qimmatbaho metallarni mas‘ul saqlash hisobvarag‘i — o‘lchovli oltin quymalarni ularning individual belgilarini saqlab qolgan holda mas‘ul saqlash hamda jismoniy shaklda hisobga olish uchun bank tomonidan mijozga ochiladigan metall hisobvaraqlar.

2. O‘zbekiston Respublikasida ishlab chiqarilgan, qimmatbaho metallardan tayyorlangan, Markaziy bank tomonidan muomalaga chiqarilgan o‘lchovli oltin quymalarni Markaziy bankning hududiy bosh boshqarmalari va tijorat banklari orqali sotish va qaytarib sotib olish tartibi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 30-iyundagi 412-son “O‘zbekiston Respublikasida ishlab chiqarilgan va qimmatbaho metallardan tayyorlangan o‘lchovli yombilarni sotish va qaytarib sotib olish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq amalga oshiriladi.

3. Mazkur Nizomda qimmatbaho metallar bilan bog‘liq quyidagi operatsiyalar amalga oshiriladi:

mijozlar tomonidan o'lovli oltin quymalarni bankning mobil ilovasi orqali sotib olish va qaytarib sotish;

banklar tomonidan o'lovli oltin quymalarni Markaziy bankdan sotib olish orqali sotish va qaytarib sotib olish;

banklar tomonidan qimmatbaho metallarni elektron (jismoniy bo'lmagan) ko'rinishda sotish va qaytarib sotib olish.

2-bob. O'lovli oltin quymalarni bankning mobil ilovasi orqali sotish va qaytarib sotib olish

4. Mijoz o'lovli oltin quymalarni bankning mobil ilovasi orqali sotib olishi va qaytarib sotishi mumkin.

5. O'lovli oltin quymalarni sotib olish va qaytarib sotish xizmatidan foydalanish uchun mijoz tegishli bankning mobil ilovasida Mijozlarni raqamli identifikatsiya qilish tartibi to'g'risidagi nizomga (ro'yxat raqami 3322, 2021-yil 30-sentabr) asosan raqamli identifikatsiyadan o'tadi.

6. Bank va mijoz o'rtasida o'lovli oltin quymalarni sotish va qaytarib sotib olish bankning mobil ilovasida oferta shartnomasini tasdiqlash orqali amalga oshiriladi.

7. Bankning mobil ilovasi orqali o'lovli oltin quymani sotib olish va sotish operatsiyasi Mijozlarni raqamli identifikatsiya qilish tartibi to'g'risidagi nizomga (ro'yxat raqami 3322, 2021-yil 30-sentabr) asosan mijoz tomonidan raqamli autentifikatsiya yordamida tasdiqlanishi lozim.

8. O'lovli oltin quymalarni sotib olish va qaytarib sotishda to'lov bankning mobil ilovasida ro'yxatdan o'tgan bank kartasi, bank hisobvarag'i yoki elektron hamyon orqali amalga oshiriladi.

9. To'lov muvaffaqiyatli o'tganidan so'ng bankning mobil ilovasida mijoz tomonidan sotib olingan oltin quymaning "maxfiy kod"i aks ettiriladi.

10. Mijoz yoki uning vakili (ishonchnoma asosida) o'lovli oltin quymalarni ular sotib olingan kundan boshlab besh ish kuni ichida olib ketishi yoki oferta shartnomasida ko'rsatilgan shartlarga rozi bo'lgan holda bankda qimmatbaho metallarni mas'ul saqlash hisobvarag'ida saqlash uchun qoldirishi mumkin.

11. Mijoz yoki uning vakili sotib olingan o'lovli oltin quymalarni bankdan olish uchun shaxsni tasdiqlovchi hujjat, vakilning ishonchnomasi hamda bankning mobil ilovasi orqali kelgan "maxfiy kod"ni taqdim etadi.

12. O'lovli oltin quymalarni mas'ul saqlashda ularning alohida belgilari (metall turi, asillik darajasi, vazni, ishlab chiqaruvchi tashkilot nomi, seriyasi) ko'rsatiladi.

13. Mijoz tomonidan o'lovli oltin quymalarni bankning mobil ilovasi orqali sotib olish bo'yicha to'lov amalga oshirilganda bank quyidagi buxgalteriya o'tkazmasini amalga oshiradi:

debet "Kassa hisobvarag'i yoki bankning vakillik hisobvarag'i yoxud mijozning hisobvarag'i";

kredit 29802 To'lanishi lozim bo'lgan mablag'lar — Tovar-moddiy qimmatliklar va xizmatlar uchun".

14. Mijoz tomonidan sotib olingan, lekin besh ish kuni ichida olib ketilmagan

o'lovli oltin quyma bo'yicha bank quyidagi buxgalteriya o'tkazmasini amalga oshiradi:

debit 93609 "Saqlanayotgan qimmatbaho buyumlar";

kredit 96379 "Saqlanayotgan qimmatli qog'ozlar va boshqa qimmatbaho buyumlar bo'yicha kontr-hisobvaraqlar".

15. Mijozga bankning mobil ilovasida quyidagi ma'lumotlar doimiy ravishda taqdim etib boriladi:

sotuv shaxobchalarida mavjud o'lovli oltin quymalar qoldig'i;

o'lovli oltin quymalarning joriy sotish va qaytarib sotib olish narxlari;

sotuv shaxobchalarining manzili va telefon raqamlari.

16. Mijoz tomonidan sotib olingan va olib ketilgan o'lovli oltin quymalarni qaytarib sotish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 30-iyundagi 412-son "O'zbekiston Respublikasida ishlab chiqarilgan va qimmatbaho metallardan tayyorlangan o'lovli yombilarni sotish va qaytarib sotib olish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qaroriga muvofiq amalga oshiriladi.

17. Sotib olingan, biroq olib ketilmasdan bankning qimmatbaho metallarni mas'ul saqlash hisobvaraqlarida saqlanayotgan o'lovli oltin quymalar mijoz tomonidan bankning mobil ilovasi orqali qayta sotilishi mumkin.

3-bob. Banklar tomonidan o'lovli oltin quymalarni Markaziy bankdan sotib olish orqali mijozga sotish va qaytarib sotib olish

18. Bank o'lovli oltin quymalarni Markaziy bankdan shartnomaga asosan sotib olishi hamda mijozga mustaqil ravishda sotishi va qaytarib sotib olishi mumkin.

19. Bank Markaziy bankka shartnomada nazarda tutilgan muddatlarda o'lovli oltin quymalarning kerakli miqdori va nominalini ko'rsatgan holda buyurtmanoma taqdim etadi.

20. Bank Markaziy bank tomonidan buyurtmanoma rasmiylashtirilgan sanadan boshlab ikki bank ish kuni ichida hisobvaraqlar-fakturada ko'rsatilgan to'lovni amalga oshirishi lozim.

21. O'lovli oltin quymalar bankka buyurtmanoma rasmiylashtirilgan kundagi Markaziy bank tomonidan belgilangan narxda sotiladi.

22. Markaziy bank tomonidan o'lovli oltin quymalarni bankka sotish va qaytarib sotib olish narxi milliy valyutada Markaziy bank tomonidan marja va chegirmani qo'llash orqali belgilanadi.

Bunda Markaziy bank foyda olish maqsadini ko'zlamaydi. Marja va chegirma miqdorlari operatsion xarajatlardan kelib chiqib belgilanadi.

23. Bank tomonidan sotib olingan o'lovli oltin quymalarni Markaziy bankdan olib ketish va qaytarib olib kelish xarajatlari shartnomaga muvofiq amalga oshiriladi.

24. Markaziy bankdan sotib olingan o'lovli oltin quymalar bo'yicha bank quyidagi buxgalteriya o'tkazmalarini amalga oshiradi:

debet 19909 “Olinishi lozim bo‘lgan mablag‘lar — Tovar-moddiy qimmatliklar uchun” (bank);

kredit 29802 “Tovar-moddiy qimmatliklar va ko‘rsatilgan xizmatlar uchun to‘lanadigan mablag‘lar” (Markaziy bank);

debet 29802 “Tovar-moddiy qimmatliklar va ko‘rsatilgan xizmatlar uchun to‘lanadigan mablag‘lar” (Markaziy bank);

kredit 102XX “Tegishli qimmatbaho metallar hisobvarag‘i” (Markaziy bank);

debet 10901 “Qimmatbaho metallar” (bank);

kredit 19909 “Tovar-moddiy qimmatliklar uchun to‘langan mablag‘lar” (bank).

25. Mijozlar o‘lchovli oltin quymalarni tegishli bank filialida shaxsni tasdiqlovchi hujjat yoki yuridik shaxs vakilining shaxsini tasdiqlovchi hujjati asosida sotishi va qaytarib sotib olishi mumkin.

Bank tomonidan o‘lchovli oltin quymalarni mijozga bankning mobil ilovasi orqali sotish va qaytarib sotib olish ushbu Nizomning 2-bobiga muvofiq amalga oshiriladi.

26. Markaziy bankdan sotib olingan o‘lchovli oltin quymalarni mijozga sotish va qaytarib sotib olish narxlari bank tomonidan London qimmatbaho metallar bozori uyushmasining narxlari hamda o‘lchovli oltin quymalarga bo‘lgan talab va taklifni hisobga olgan holda mustaqil ravishda belgilanadi hamda ushbu narxlarga bank tomonidan operatsion kun davomida o‘zgartirish kiritilishi mumkin.

27. O‘lchovli oltin quymalarni sotishda bank tomonidan quyidagi buxgalteriya o‘tkazmalari amalga oshiriladi:

1) bank tomonidan daromad olinganda (jismoniy shaxslar):

debet “Kassa hisobvarag‘i yoki bankning vakillik hisobvarag‘i yoxud mijozning hisobvarag‘i” (to‘lov summasi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to‘lov summasi);

debet 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (metall bahosi);

kredit 10901 “Qimmatbaho metallar” (metall bahosi);

debet 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (olingan daromad summasi);

kredit 45213 “Qimmatbaho metallar bilan operatsiyalardan olingan daromad” (olingan daromad summasi);

2) bank tomonidan daromad olinganda (yuridik shaxslar):

debet “Yuridik shaxsning hisobvarag‘i” (to‘lov summasi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to‘lov summasi);

debet 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (metall bahosi);

kredit 10901 “Qimmatbaho metallar” (metall bahosi);

debet 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (olingan daromad summasi);

kredit 45213 “Qimmatbaho metallar bilan operatsiyalardan olingan daromad” (olingan daromad summasi);

3) bank tomonidan zarar ko‘rilganda (jismoniy shaxslar):

debet “Kassa hisobvarag‘i yoki bankning vakillik hisobvarag‘i yoxud mijozning hisobvarag‘i” (to‘lov summasi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar”;

debit 55606 “Qimmatbaho metallar, toshlar va tangalar bo‘yicha tijorat operatsiyalaridan ko‘rilgan zararlar” (ko‘rilgan zarar summasi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to‘lov summasi);

debit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (metall bahosi);

4) bank tomonidan zarar ko‘rilganda (yuridik shaxslar):

debit Yuridik shaxsning hisobvarag‘i (to‘lov summasi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (metall bahosi);

debit 55606 “Qimmatbaho metallar, toshlar va tangalar bo‘yicha tijorat operatsiyalaridan ko‘rilgan zararlar” (ko‘rilgan zarar summasi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (metall bahosi);

debit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (metall bahosi);

kredit 10901 “Qimmatbaho metallar” (metall bahosi).

28. O‘lchovli oltin quymalar jismoniy va yuridik shaxslardan qaytarib sotib olinganda “Qimmatbaho metallar” hisobvarag‘iga kirim qilinadi hamda quyidagi buxgalteriya o‘tkazmalari amalga oshiriladi:

1) bank tomonidan daromad olinganda (jismoniy shaxslar):

debit 10901 “Qimmatbaho metallar” (metall bahosi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to‘lov summasi);

debit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to‘lov summasi);

kredit “Kassa hisobvarag‘i yoki bankning vakillik hisobvarag‘i yoxud mijozning hisobvarag‘i” (to‘lov summasi);

debit 10901 “Qimmatbaho metallar” Olingan daromad summasi (to‘lov summasi);

kredit 45213 “Qimmatbaho metallar bilan operatsiyalardan olingan daromad” (olingan daromad summasi);

2) bank tomonidan daromad olinganda (yuridik shaxslar):

debit 10901 “Qimmatbaho metallar” (metall bahosi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to‘lov summasi);

debit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to‘lov summasi);

kredit Yuridik shaxsning hisobvarag‘i;

debit 10901 “Qimmatbaho metallar” (olingan daromad summasi);

kredit 45213 “Qimmatbaho metallar bilan operatsiyalardan olingan daromad” (olingan daromad summasi);

3) bank tomonidan zarar ko‘rilganda (jismoniy shaxslar):

debit 10901 “Qimmatbaho metallar” (metall bahosi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to‘lov summasi);

debit 55606 “Qimmatbaho metallar, toshlar va tangalar bo‘yicha tijorat operatsiyalaridan ko‘rilgan zararlar” (ko‘rilgan zarar summasi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to‘lov summasi);

debit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to‘lov summasi);

kredit “Kassa hisobvarag‘i yoki bankning vakillik hisobvarag‘i yoxud mijozning hisobvarag‘i”;

4) bank tomonidan zarar ko‘rilganda (yuridik shaxslar):

debit 10901 “Qimmatbaho metallar” (metall bahosi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to‘lov summasi);

debit 55606 “Qimmatbaho metallar, toshlar va tangalar bo'yicha tijorat operatsiyalaridan ko'rilgan zararlar” (ko'rilgan zarar summasi);

kredit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to'lov summasi);

debit 29801 “Mijozlar bilan hisob-kitoblar” (to'lov summasi);

kredit Yuridik shaxsning hisobvarag'i.

29. Bank tomonidan o'lchovli oltin quymalarni mijozdan qaytarib sotib olishda qadoqning buzilishi yoki texnik talablarga mos kelmaslik holatlari aniqlangan taqdirda, o'lchovli oltin quymalar O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 30-iyundagi 412-son “O'zbekiston Respublikasida ishlab chiqarilgan va qimmatbaho metallardan tayyorlangan o'lchovli yombilarni sotish va qaytarib sotib olish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq texnik ekspertizadan o'tkaziladi.

30. Bank tomonidan har bank ish kuni uchun London qimmatbaho metallar bozori uyushmasining ertalabki fiksingi va Markaziy bankning shu kundagi valyuta kursi asosida oltinning hisob narxi aniqlanadi hamda bankning balansidagi 10901 “Qimmatbaho metallar” hisobvarag'idagi oltin qoldiqlari qayta baholanadi.

31. London qimmatbaho metallar bozori uyushmasining har bank ish kunidagi ertalabki fiksingi asosida shu kun uchun bir gramm oltinning hisob narxi hisoblanadi va Markaziy bankning shu kungi valyuta kursiga ko'paytiriladi.

Bunda oltinning hisob narxi qimmatbaho metallar bilan bog'liq buxgalteriya operatsiyalarini amalga oshirish hamda bankning mobil ilovasida e'lon qilib borish uchun qo'llaniladi.

32. Oltin qoldiqlarini har bank ish kuni uchun qayta baholash quyidagi formula asosida amalga oshiriladi:

$$P_{G/UZS} = \frac{P_w}{Y} \times E_{CB}$$

Bunda:

$P_{G/UZ}$ — bir gramm oltinning so'mdagi narxi (natija 2 xonali songacha yaxlitlanadi);

P_w — London qimmatbaho metallar bozori uyushmasining ertalabki fiksingi (doll./tr.uns.);

Y — bir troy unsiyaning grammdagi ekvivalenti (1 tr. uns. = 31.1034768 gramm);

E_{CB} — Markaziy bankning shu kundagi rasmiy valyuta kursi.

33. Oltin qoldiqlarini har bank ish kuni uchun qayta baholashda:

a) agar kunlik hisob narxi joriy balans qiymatidan yuqori bo'lsa, quyidagi buxgalteriya o'tkazmalari amalga oshiriladi:

debit 10901 “Qimmatbaho metallar” (har bank ish kuni hisob narxida hisoblangan qimmatbaho metallning balans qiymati va qimmatbaho metallning joriy balans qiymati o'rtasidagi farq summasi);

kredit 45403 “Valyuta qoldiqlarini qayta baholashdan olingan foyda”;

b) agar kunlik hisob narxi joriy balans qiymatidan past bo'lsa, quyidagi buxgalteriya o'tkazmalari amalga oshiriladi:

debit 55304 “Valyuta qoldiqlarini qayta baholashdan ko‘rilgan zararlar” (har bank ish kuni hisob narxida hisoblangan qimmatbaho metallning balans qiymati va qimmatbaho metallning joriy balans qiymati o‘rtasidagi farq summasi); kredit 10901 “Qimmatbaho metallar”.

4-bob. Banklar tomonidan qimmatbaho metallarni elektron (jismoniy bo‘lmagan) ko‘rinishda sotish va qaytarib sotib olish

34. Mijoz qimmatbaho metallarni sotib olish va qaytarib sotishni bankning filiallari, bank xizmatlari markazlari yoki bankning mobil ilovasi orqali amalga oshiradi.

35. Bank tomonidan mijozga qimmatbaho metallarni elektron (jismoniy bo‘lmagan) ko‘rinishda sotish va qaytarib sotib olish metall hisobvaraqlarni ochish, yuritish va yopish yo‘li bilan amalga oshiriladi.

36. Metall hisobvaraqlarini ochish, yuritish va yopish mijoz bilan bank o‘rtasida tuziladigan yozma shartnoma yoki mobil ilova orqali oferta shartnomasini tasdiqlash yo‘li bilan amalga oshiriladi.

37. Mijozning metall hisobvaraqlarini ochish, yuritish va yopish Bank hisobvaraqlarini ochish, yuritish va yopish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga (ro‘yxat raqami 3420, 2023-yil 8-fevral) asosan amalga oshiriladi.

38. Mijozning metall hisobvaraqlari tarkibida Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasiga (ro‘yxat raqami 3336, 2021-yil 26-noyabr) muvofiq, qimmatbaho metallarning egasizlantirilgan (jismoniy bo‘lmagan) hisobvaraqlari jismoniy shaxslar uchun 22644 “Mijozlarning metall hisobvaraqlari bo‘yicha majburiyatlar” hamda yuridik shaxslar uchun mos ravishda 202XX talab qilib olinguncha saqlanadigan depozitlar yoki 204XX jamg‘arma depozitlar hisobvaraqlari ochiladi hamda tegishli valyuta kodi (oltin 959, kumush 961) kiritiladi.

39. Elektron (jismoniy bo‘lmagan) ko‘rinishdagi qimmatbaho metall bank tomonidan mijozga sotish va qaytarib sotib olish obyekti bo‘lib hisoblanadi. Bunda bank tomonidan mijozga qimmatbaho metall jismoniy ko‘rinishda berilishi ta‘qiqlanadi.

40. Metall hisobvaraqlar orqali qimmatbaho metallarni bankning mobil ilovasi orqali sotib olish va qaytarib sotish xizmati faqat bankning mobil ilovasida identifikatsiyadan o‘tgan mijozga taqdim etiladi.

41. Metall hisobvaraqlar orqali qimmatbaho metallarni bankning mobil ilovasi orqali sotib olish va qaytarib sotishda Mijozlarni raqamli identifikatsiya qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomga (ro‘yxat raqami 3322, 2021-yil 30-sentabr) asosan mijoz raqamli autentifikatsiyadan o‘tadi.

42. Metall hisobvaraqlar orqali qimmatbaho metallarni bankning mobil ilovasi orqali sotib olish va qaytarib sotishda to‘lov bankning mobil ilovasida ro‘yxatdan o‘tgan bank kartasi, bank hisobvarag‘i yoki elektron hamyon orqali amalga oshiriladi.

To‘lov muvaffaqiyatli o‘tganidan so‘ng, bank tomonidan bankning mobil

ilovasi orqali mijozga elektron (jismoniy bo'lmagan) ko'rinishdagi qimmatbaho metall sotib olinganligi to'g'risida tasdiqнома beriladi.

43. Qimmatbaho metallarni mijozga sotish va qaytarib sotib olish narxlari qimmatbaho metallarning jahon bozoridagi narxlarini hisobga olgan holda bank tomonidan mustaqil ravishda belgilanadi va ushbu narxlarga operatsion kun davomida o'zgartirish kiritilishi mumkin.

44. Qimmatbaho metallarning sotish va qaytarib sotib olish narxlari banklarning rasmiy veb-sayti, mobil ilovasi va ijtimoiy tarmoqlardagi rasmiy sahifalari orqali doimiy ravishda e'lon qilib boriladi.

45. Elektron (jismoniy bo'lmagan) qimmatbaho metall (oltin) sotib olishda bank quyidagi buxgalteriya o'tkazmalarini amalga oshiradi:

debet 17409 “Qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan boshqa to'lovlar bo'yicha bank kartalaridan hisobdan chiqarilishi lozim bo'lgan pul mablag'lari bo'yicha tranzit hisobvaraqlari”;

kredit 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

debet 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

kredit 22644 “Mijozlarning metall hisobvaraqlari bo'yicha majburiyatlar”;

debet 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

kredit 45213 “45213 Bankning qimmatbaho metallar, toshlar va tangalar bilan amalga oshirgan operatsiyalari bo'yicha daromadlari”;

debet 55114 “Vositachilik xarajatlari va xizmatlar uchun xarajatlar — Qimmatbaho metallar, toshlar va tangalarning oldi-sotdi hisobvaraqlari”;

kredit 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

debet 22618 “Jismoniy shaxslarning bank kartalari bo'yicha majburiyatlari”;

yoki 22617 “Pensionerlarning bank kartalari bo'yicha majburiyatlar”;

kredit 23514 “Qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan boshqa to'lovlar bo'yicha oluvchining hisobvaraqlariga o'tkazilishi lozim bo'lgan bank kartalaridan kelib tushgan pul mablag'lari”;

debet 23514 “Qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan boshqa to'lovlar bo'yicha oluvchining hisobvaraqlariga o'tkazilishi lozim bo'lgan bank kartalaridan kelib tushgan pul mablag'lari”;

kredit 17409 “Mijozlarning bank kartalaridan hisobdan chiqarilishi lozim bo'lgan mablag'lar bo'yicha tranzit hisobvaraqlari”.

46. Elektron (jismoniy bo'lmagan) metall (kumush) sotib olishda bank quyidagi buxgalteriya o'tkazmalarini amalga oshiradi:

debet 17409 “Mijozlarning bank kartalaridan hisobdan chiqarilishi lozim bo'lgan mablag'lar bo'yicha tranzit hisobvaraqlari”;

kredit 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

debet 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

kredit 22644 “Mijozlarning metall hisobvaraqlari bo'yicha majburiyatlar”;

debet 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

kredit 45213 “Bankning qimmatbaho metallar, toshlar va tangalar bilan amalga oshirgan operatsiyalari bo'yicha daromadlar”;

debet 55114 “Vositachilik xarajatlari va xizmatlar uchun xarajatlar — Qimmatbaho metallar, toshlar va tangalarning oldi-sotdi hisobvaraqlari”;

кредит 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

debit 22618 “Jismoniy shaxslarning bank kartalari bo'yicha majburiyatlar”;
yoki 22617 “Pensionerlarning bank kartalari bo'yicha majburiyatlar”;

кредит 23514 “Qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan boshqa to'lovlar bo'yicha oluvchining hisobvaraqlariga o'tkazilishi lozim bo'lgan bank kartalaridan kelib tushgan pul mablag'lari”;

debit 23514 “Qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan boshqa to'lovlar bo'yicha oluvchining hisobvaraqlariga o'tkazilishi lozim bo'lgan bank kartalaridan kelib tushgan pul mablag'lari”;

кредит 17409 “Mijozlarning bank kartalaridan hisobdan chiqarilishi lozim bo'lgan mablag'lar bo'yicha tranzit hisobvaraqlari”.

47. Elektron (jismoniy bo'lmagan) metall (oltin) sotishda bank quyidagi buxgalteriya o'tkazmalarini amalga oshiradi:

debit 22644 “Mijozlarning metall hisobvaraqlari bo'yicha majburiyatlar”;

кредит 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

debit 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

кредит 23120 “Jismoniy shaxslarning bank kartalariga naqd pulsiz o'tkazilishi lozim bo'lgan boshqa mablag'lar bo'yicha tranzit hisobvaraqlar”;

debit 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

кредит 45213 “Bankning qimmatbaho metallar, toshlar va tangalar bilan amalga oshirgan operatsiyalari bo'yicha daromadlari”;

debit 55114 “Vositachilik xarajatlari va xizmatlar uchun xarajatlar — Qimmatbaho metallar, toshlar va tangalarning oldi-sotdi hisobvaraqlari”;

кредит 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

debit 23120 “Jismoniy shaxslarning bank kartalariga naqd pulsiz o'tkazilishi lozim bo'lgan boshqa mablag'lar bo'yicha tranzit hisobvaraqlari”;

кредит 22618 “Jismoniy shaxslarning bank kartalari bo'yicha majburiyatlar”;

yoki 22617 “Pensionerlarning bank kartalari bo'yicha majburiyatlar” hisobvarag'i.

48. Elektron (jismoniy bo'lmagan) metall (kumush) sotishda bank quyidagi buxgalteriya o'tkazmalarini amalga oshiradi:

debit 22644 “Mijozlarning metall hisobvaraqlari bo'yicha majburiyatlar”;

кредит 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

debit 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

кредит 23120 “Jismoniy shaxslarning bank kartalariga naqd pulsiz o'tkazilishi lozim bo'lgan boshqa mablag'lar bo'yicha tranzit hisobvaraqlari”;

debit 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

кредит 45213 “Bankning qimmatbaho metallar, toshlar va tangalar bilan amalga oshirgan operatsiyalari bo'yicha daromadlari”;

debit 55114 “Vositachilik xarajatlari va xizmatlar uchun xarajatlar-Qimmatbaho metallar, toshlar va tangalarning oldi-sotdi hisobvaraqlari”;

кредит 17101 “Valyuta pozitsiyasi hisobvaraqlari”;

debit 23120 “Jismoniy shaxslarning bank kartalariga naqd pulsiz o'tkazilishi lozim bo'lgan boshqa mablag'lar bo'yicha tranzit hisobvaraqlari”.

кредит 22618 “Jismoniy shaxslarning bank kartalari bo'yicha majburiyatlar”;

yoki 22617 “Pensionerlarning bank kartalari bo‘yicha majburiyatlar” hisobvarag‘i.

49. Qimmatbaho metallar metall hisobvaraqlariga alohida belgilarisiz (seriya raqami, ishlab chiqaruvchisi, asillik darajasi) kiritiladi.

50. Metall hisobvaraqlarning valyuta kodi oltin (959) va kumush (961) uchun gramm ekvivalentida ochiladi hamda London qimmatbaho metallar bozori uyushmasining ertalabki fiksing narxlari asosida har bank ish kuni qayta baholanadi.

51. Qimmatbaho metallarni mijozlarning metall hisobvaraqlari o‘rtasida o‘tkazish operatsiyalarini amalga oshirish uchun bank boshqa banklarda vakillik metall hisobvarag‘ini ochishi mumkin.

52. Bank Markaziy bankda shartnoma asosida vakillik metall hisobvarag‘ini ochishi hamda Markaziy bank bilan elektron (jismoniy bo‘lmagan) ko‘rinishdagi qimmatbaho metallni olish va qaytarib sotish operatsiyalarini amalga oshirishi mumkin.

53. Bank metall hisobvaraqlarni yuritishda Ochiq valyuta pozitsiyasini yuritish qoidalarida (ro‘yxat raqami 3301, 2021-yil 7-may) nazarda tutilgan ochiq valyuta pozitsiyasi limitlariga rioya etishi lozim.

54. Metall hisobvaraqlar mijoz tomonidan yopilgan holatda metall hisobvaraqlar qoldiqlar:

bank tomonidan sotib olinib, uning qiymati milliy valyutada mijozga naqd ko‘rinishda beriladi yoki bank hisobvarag‘iga o‘tkaziladi;

mijozning boshqa bankdagi metall hisobvarag‘iga o‘tkaziladi.

5-bob. Yakuniy qoida

55. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

687 “O‘zbekiston Respublikasi Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (1-son RXMS) “Rieltorlik xizmatlari sifatini nazorat qilishning ichki qoidalariga qo‘yiladigan umumiy talablar”ni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
3-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2244-2*

O‘zbekiston Respublikasining “Rieltorlik faoliyati to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 11-yanvardagi 23-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo‘mitasining 2011-yil 13-iyundagi 01/19-18/03-son “O‘zbekiston Respublikasi Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (1-son RXMS) “Rieltorlik xizmatlari sifatini nazorat qilishning ichki qoidalariga qo‘yiladigan umumiy talablar”ni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 2244, 2011-yil 12-iyul) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 28-son, 297-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Direktor

A. ORTIKOV

Toshkent sh.,
2025-yil 23-oktabr,
01/11-14/44-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 4-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Davlat aktivlarini boshqarish agentligi
direktorining 2025-yil 23-oktabrdagi
01/11-14/44-son buyrug'iga
ILOVA

“O'zbekiston Respublikasi Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (1-son RXMS) “Rieltorlik xizmatlari sifatini nazorat qilishning ichki qoidalariga qo'yiladigan umumiy talablar”ni tasdiqlash to'g'risida”gi qarorga kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. Qarorning muqaddimasidagi “(O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-yil, 51-son, 480-modda), O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2006-yil 26-apreldagi PQ–335-son “O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi faoliyatini takomillashtirishga doir chora-tadbirlar to'g'risida”gi qarori (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2006-yil, 17-son, 140-modda) va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011-yil 10-maydagi 129-son “Rieltorlik faoliyatini litsenziyalash to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 19-son, 189-modda)” degan so'zlar “va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 11-yanvardagi 23-son “O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Ilovaning muqaddimasi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (1-son RXMS) O'zbekiston Respublikasi hududida rieltorlik tashkilotlari tomonidan rieltorlik xizmatlari sifatini nazorat qilishning ichki qoidalariga qo'yiladigan umumiy talablarni belgilaydi.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

688 Dastlabki, davriy va to‘liq bo‘lmagan bojxona yuk deklaratsiyalarini rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
3-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3296-4*

O‘zbekiston Respublikasining Bojxona kodeksiga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasining 2021-yil 31-martdagi 01-02/13-20-son qarori (ro‘yxat raqami 3296, 2021-yil 4-may) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 04.05.2021-y., 10/21/3296/0410-son) bilan tasdiqlangan Dastlabki, davriy va to‘liq bo‘lmagan bojxona yuk deklaratsiyalarini rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir

Toshkent sh.,
2025-yil 13-oktabr,
296-son

D. KUCHKAROV

Kelishildi:

Savdo-sanoat palatasi raisi

2025-yil 30-sentabr

D. VAXABOV

**Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya
qilish bo‘yicha vakil o‘rinbosari**

2025-yil 6-oktabr

J. URUNOV

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 4-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
13-oktabrdagi 296-son buyrug'iga
ILOVA

**Dastlabki, davriy va to'liq bo'lmagan bojxona yuk
deklaratsiyalarini rasmiylashtirish tartibi to'g'risidagi nizomga
kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. 1-bandning o'n birinchi xatboshisidagi "to'liq BYDni" degan so'zlar "DBD raqami qayd etilgan tranzit deklaratsiyasini" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 2-bandning "b" kichik bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"b) ikkinchi bosqichda — O'zbekiston Respublikasi bojxona chegarasi orqali olib o'tilayotgan tovarlar bo'yicha deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan bojxona organiga to'liq BYD taqdim etiladi va bojxona organlarida rasmiylashtiriladi, bundan tovarlar uchun ilgari DBD taqdim etilgan hollar mustasno.

Tovarlar uchun ilgari DBD taqdim etilgan hollarda deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan DBDning ro'yxat raqami tranzit deklaratsiyasida ko'rsatiladi va hujjatlar bojxona organi tomonidan rasmiylashtiriladi.

Tovarlarning DBYUD va TBBYUDlari rasmiylashtiruvi uchun hisoblangan va undirilgan yig'im keyingi bosqichda to'liq BYD taqdim etilganida takroran undirilmaydi.

DBYUD va TBBYUDlarni bojxona organlariga taqdim etish orqali tovarlarni deklaratsiyalashda to'langan bojxona to'lovlari to'liq BYD rasmiylashtirilgandan so'ng O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetiga o'tkaziladi.

Tovarlar uchun DBD taqdim etilgan hollarda to'langan bojxona to'lovlarini O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetiga o'tkazish lozim darajada to'ldirilgan DBD rasmiylashtirilganidan so'ng amalga oshiriladi."

3. 3-bandda:

to'rtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"tovarlarni erkin muomalaga chiqarishda qonunchilik hujjatlarida belgilangan vakolatli organlar tomonidan beriladigan hujjatlar (ruxsat etish xususiyatiga ega hujjatlar, muvofiqlik sertifikat, ekologik sertifikat va boshqalar) talab etiladigan hollarda, bundan mazkur hujjatlar mavjud bo'lgan hollar mustasno;"

quyidagi mazmundagi beshinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"DBDdagi tovar bir transport hujjati bo'yicha bir transport vositasida bit-ta jo'natuvchining manzilidan bitta qabul qiluvchining manziliga yuborilayotgan bo'lmasa;"

beshinchi xatboshi oltinchi xatboshi deb hisoblansin.

4. 6-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"DBDning 1-grafasi birinchi bo'lmasida "IM" belgisi, uchinchi bo'lmasida "PR" belgisi ko'rsatiladi hamda 18, 26, 30-grafalari va "C" grafasining 2 raqami ostidagi satri to'ldirilmaydi."

5. 7 va 8-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"7. DBD bojxona organi tomonidan ro'yxatga olinadi hamda DBD va unga ilova qilingan hujjatlar tekshiruvdan o'tkaziladi.

Agar tekshiruv davomida DBD va unga ilova qilingan hujjatlarda xato va (yoki) kamchiliklar aniqlansa, DBDga Bojxona yuk deklaratsiyasini o'zgartirish, unga qo'shimcha kiritish, uni qayta rasmiylashtirish, qaytarib olish va bekor qilish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 3220, 2020-yil 10-fevral) talablariga muvofiq o'zgartirish va (yoki) qo'shimchalar kiritiladi.

Xato va (yoki) kamchiliklar aniqlanmagan hollarda DBDning tekshiruvi O'zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksining 248-moddasida belgilangan muddat doirasida amalga oshiriladi.

Bojxona organi tomonidan DBD va unga ilova qilingan hujjatlar tekshiruvi yakunlanganligi deklarant yoki deklaratsiyalovchi shaxsga O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo'mitasining yagona avtomatlashtirilgan axborot tizimi (bundan buyon matnda Bojxona qo'mitasi YAAT deb yuritiladi) orqali ma'lum qilinadi.

8. DBDda ko'rsatilgan tovarlar bojxona organiga DBD qabul qilingan kundan (DBDning 7-grafasida ko'rsatilgan sanadan) e'tiboran o'ttiz kalendar kun ichida taqdim etilmagan taqdirda DBD berilmagan deb hisoblanadi.

Bunda, ushbu DBD Bojxona yuk deklaratsiyasini o'zgartirish, unga qo'shimcha kiritish, uni qayta rasmiylashtirish, qaytarib olish va bekor qilish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 3220, 2020-yil 10-fevral) talablariga muvofiq bojxona organi tomonidan bekor qilinadi hamda bu haqida Bojxona qo'mitasi YAAT orqali deklarant yoki deklaratsiyalovchi shaxs xabardor qilinadi.

Tovarning taqdim etilganligini tasdiqlash bojxona organi tomonidan tranzit deklaratsiyani rasmiylashtirish orqali amalga oshiriladi.”

6. 9 — 13-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Tashuvchi yoki boshqa manfaatdor shaxs DBDda ko'rsatilgan tovarlar bojxona hududiga amalda yetib kelguniga qadar ular to'g'risida bojxona organiga tranzit deklaratsiyasini yoki dastlabki axborotni taqdim etishda DBD raqamini ko'rsatishi shart.

Bunda, deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan DBD raqami Tranzit deklaratsiyasini to'ldirish, rasmiylashtirish, unga o'zgartirish va qo'shimcha kiritish, uni qaytarib olish hamda bekor qilish tartibi to'g'risidagi nizomda (ro'yxat raqami 3382, 2022-yil 31-avgust) belgilangan tartibda “E-Tranzit” avtomatlashtirilgan axborot tizimida “Yuk to'g'risida ma'lumot” bo'limining “Yuk kuzatuv hujjatlari” qismidagi 10-maydonda BYDni to'ldirishda foydalaniladigan hujjatlar va ma'lumotlar turlari tasniflagichidan tanlash orqali 805 tartib raqami ostida ko'rsatiladi.

10. DBDda ko'rsatilgan tovarlar tranzit deklaratsiyasini ro'yxatdan o'tkazgan chegara bojxona postiga yetib kelgandan so'ng, tashuvchi tomonidan ushbu tovarlar va unga tegishli kuzatuv hujjatlari hamda tranzit deklaratsiyasining ro'yxat raqami bojxona organiga taqdim etiladi.

11. Bojxona organi tovarlar chegara bojxona posti hududiga yetib kelgandan so'ng, DBD bilan birga taqdim etilgan tovarning kuzatuv hujjatlarida ko'rsatilgan ma'lumotlarni tashuvchi tomonidan taqdim etilgan asl hamda elektron hujjatlardagi ma'lumotlar bilan solishtiradi.

Bunda, bojxona organi tomonidan DBDga ilova qilingan tovarning kuzatuv hujjatlari raqami, sanasi, shakli, undagi ma'lumotlar, shu jumladan jo'natuvchi

va qabul qiluvchining rekvizitlari, tovarning nomi, miqdori (soni, vazni, boshqa qo‘shimcha o‘lchov birligidagi miqdori), qiymati, TIF TN kodi, yetkazib berish shartlarida o‘zaro tafovut aniqlansa, DBD taqdim etilmagan deb hisoblanadi, bundan tovarlarni qayta yuklash jarayonida transport hujjatlari o‘zgarganligi natijasida yuzaga kelgan tafovutlar bo‘yicha tovar qayta yuklanganligini tasdiqlovchi hujjatlar taqdim etilgan holatlar mustasno.

Bunday holatlarda DBD bojxona organi tomonidan bekor qilinadi hamda tovarlarni deklaratsiyalash BYD rasmiylashtiruvchi uchun belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

12. Chegara bojxona posti tomonidan tovarlar bo‘yicha bojxona nazorati amalga oshirilganidan so‘ng, DBD rasmiylashtiriladi va tovarlar erkin muomalaga chiqariladi, bundan mazkur Nizomning 20-bandida nazarda tutilgan hollar mustasno.

Bojxona organi tomonidan DBDning 18, 26, 29 va “C” grafalariga tranzit deklaratsiyasi asosida o‘zgartirish va (yoki) qo‘shimchalar kiritiladi.

13. Bojxona hududiga kirib kelishda DBD taqdim etilgan tovarlarga nisbatan quyidagi hollarda chegara bojxona posti tomonidan chet el tovari bojxona nazorati ostida tashilayotganda bojxona to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlariga rioya etilishini ta‘minlash chora-tadbirlari qo‘llaniladi:

xavfni boshqarish tizimi tomonidan xavf darajasi yuqori ko‘rsatkich (“qizil” yo‘lak) bilan tasniflangan bo‘lsa;

DBD rasmiylashtirilgan tovarlarga bojxona to‘lovlari to‘liq to‘lanmagan yoki to‘lanishi ta‘minlanmagan bo‘lsa;

tovarning tijorat va transport hujjatlaridagi ma‘lumotlarda o‘zaro nomuvofiqliklar aniqlanganda;

bojxona nazoratining texnik vositalarini qo‘llash bo‘yicha ma‘lumotlar tovarlarga ilova qilingan hujjatlardagi ma‘lumotlar bilan to‘g‘ri kelmasa;

transport vositasining yuk bo‘lmasiga bevosita (erkin) kirish imkoniyati mavjud bo‘lganda;

huquqni muhofaza qilish yoki boshqa davlat nazorat organlaridan tushgan materiallar, shuningdek xorijiy davlatlarning bojxona va boshqa davlat organlaridan olingan tovarlarni bojxona nazoratidan o‘tkazilishi lozimligi to‘g‘risidagi ma‘lumotlar bo‘lganda.”.

7. 14 — 19-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

8. 2-bobning 4-paragrafi nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“4-§. Tovarlarini manzil (tashqi iqtisodiy faoliyat) bojxona postlarida erkin muomalaga chiqarish shartlari”.

9. 20 — 22-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“20. Quyidagi hollarda tovarlar DBDda ko‘rsatilgan TIF bojxona postiga tranzit deklaratsiyasi asosida yo‘naltiriladi:

chegara bojxona posti hududida tovarlarni bojxona ko‘rigidan o‘tkazishning imkoni bo‘lmaganda;

DBDda xato va kamchiliklar aniqlanib, unga o‘zgartirish va (yoki)

qo'shimchalar kiritish zarurati yuzaga kelganda, bundan mazkur Nizomning 11-bandi ikkinchi xatboshisida nazarda tutilgan hollar mustasno;

tovarlar chegara bojxona posti orqali avtotransportda olib kirlmagan hollarda;
DBDni bekor qilish yoki qaytarib olish zarurati yuzaga kelganda;
vakolatli shaxsning arizasiga ko'ra.

21. Tovarlar DBDda ko'rsatilgan TIF bojxona postiga yetib kelgandan so'ng, tashuvchi yoxud boshqa manfaatdor shaxs tomonidan ushbu tovarlar va ularga tegishli kuzatuv hujjatlari bojxona organiga taqdim etiladi.

Tovarlar yetib kelganligi bu to'g'risida bojxona organi tomonidan tovar kuzatuv hujjatlariga va Bojxona qo'mitasi YAATda tegishli belgilarni qo'yish orqali tasdiqlanadi.

22. Bojxona organi tovarlarni bojxona rasmiylashtiruvidan o'tkazishda DBDdagi tovarlarning kuzatuv hujjatlarida ko'rsatilgan ma'lumotlarni keyin taqdim etilgan asl hamda elektron hujjatlardagi ma'lumotlar bilan solishtiradi.

Agarda taqdim qilingan hujjatlar (shu jumladan, elektron ko'rinishdagi) bilan asl hujjatlardagi ma'lumotlarda nomuvofioliklar mavjud bo'lsa yoki DBDda kerakli ma'lumotlar yetishmasa, bojxona organi tomonidan deklaratsiyalovchi shaxsning ushbu masaladagi murojaatini ko'rib chiqish natijalari yoki bojxona organining talablari asosida DBDga tegishli o'zgartirishlar va (yoki) qo'shimchalar kiritiladi.

Bunda, bojxona organi tomonidan DBDga ilova qilingan tovarning kuzatuv hujjatlari raqami, sanasi, shakli, undagi ma'lumotlar, shu jumladan jo'natuvchi va qabul qiluvchining rekvizitlari, tovarning nomi, miqdori (soni, vazni, boshqa qo'shimcha o'lchov birligidagi miqdori), qiymati, TIF TN kodi, yetkazib berish shartlarida o'zaro tafovut aniqlansa, DBD taqdim etilmagan deb hisoblanadi, bundan tovarlarni qayta yuklash jarayonida transport hujjatlari o'zgarganligi natijasida yuzaga kelgan tafovutlar bo'yicha tovar qayta yuklanganligini tasdiqlovchi hujjatlar taqdim etilgan holatlar mustasno.

Bunday holatlarda DBD bojxona organi tomonidan bekor qilinadi hamda tovarlarni deklaratsiyalash BYD rasmiylashtiruvi uchun belgilangan tartibda amalga oshiriladi.”.

10. Quyidagi mazmundagi 22¹ va 22²-bandlar bilan to'ldirilsin:

“22¹. DBDni o'zgartirish, unga qo'shimcha kiritish, uni qaytarib olish va bekor qilish Bojxona yuk deklaratsiyasini o'zgartirish, unga qo'shimcha kiritish, uni qayta rasmiylashtirish, qaytarib olish va bekor qilish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 3220, 2020-yil 10-fevral) talablariga muvofiq amalga oshiriladi.

22². Bojxona organi tomonidan tovarlar bo'yicha bojxona nazoratining belgilangan tartib-taomillari amalga oshirilganidan so'ng, DBD rasmiylashtirilib, tovarlar erkin muomalaga chiqariladi, bundan mazkur Nizomning 22-bandi uchinchi xatboshisida nazarda tutilgan hollar mustasno.”.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. О‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 14-oktabrdagi 25/6-son “Banklar tomonidan qimmatbaho metallar bilan operatsiyalarni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

2025-yil 3-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3698.

2. О‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2025-yil 23-oktabrdagi 01/11-14/44-son “O‘zbekiston Respublikasi Rieltorlik xizmatlarining milliy standarti (1-son RXMS) “Rieltorlik xizmatlari sifatini nazorat qilishning ichki qoidalariga qo‘yiladigan umumiy talablar”ni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 3-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2244-2.

3. О‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 13-oktabrdagi 296-son “Dastlabki, davriy va to‘liq bo‘lmagan bojxona yuk deklaratsiyalarini rasmiylashtirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 3-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3296-4.